КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 143 (4242)
26 ИЮНЬ, 1980 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• ПАРТИЯ БЕЛГИЛАГАН ЙЎЛДАН— ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР САРИ

• *Беш йилликка—зарбдор якун*

• ПАРТИЯВИЙ СЎЗ ВА ШАХСИЙ НАМУНА БИЛАН

ШУНИ ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМКИ, УНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ТУГАЛЛОВЧИ ЙИЛИ ПЛАНИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ РАВИШДА ТУЛА ВА ОШИРИБ БАЖАРИШ УЧУН, ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТОПШИРИШ, ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИ—1981 ЙИЛДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН БУТУН КУЧ-ҒАЙРАТНИ ИШГА СОЛИШ КЕРАК. ЎЗ-ЎЗИДАН РАВШАНКИ, БУ УРИНДА СЪЕЗД ШАРАФИГА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЎЗ РОЛИНИ ЎЙНАШИ ЛОЗИМ.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

УМУМХАЛҚ ВАЗИФАСИ

Ўнинчи Чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси 25 июнь куни Москвада КПСС Марказий Комитети Пленумининг илҳомбахш қарорлари зўр таъсири остида ўз ишини давом эттирди.

Депутатлар Пленум қарорларининг ўрток Л. И. Брежнев Пленумда қилган докладининг буюк сафарбар этувчилик кучини зўр мамнуният билан таъкидладилар. Халқ вакиллари КПСС билан Совет давлатининг принципиал тинчликсеварлик йўлини, Ватанимиз хавфсизлигини муҳофаза қилиш ва таъминлаш соҳасидаги тадбирларни, коммунистик қурилиш ҳозирги босқичининг стратегиясини якдиллик билан маъқуладилар. Мамлакатимиз олдида янги уфқлар очадиган КПСС XXVI съездига тайёргарлик ишлари совет кишиларининг снёсий активлиги ва меҳнат ғайратини оширишнинг қудратли воситаси бўлади.

Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг ўртаўлабки қўшма мажлиси Катта Кремль саройида очилди.

Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Э. А. Шеварднадзе, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқларни депутатлар ва меҳмонлар гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Раислик қилувчи — Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Шитиков, палаталарнинг алоҳида-алоҳида мажлисларида кун тартибидаги биринчи масала юзасидан музокаралар тугаганини маълум қилди.

СССР Олий Совети палаталар бўйича алоҳида-алоҳида овоз бериш йўли билан халқ депутатлари ўлка, область Советларининг, автоном областлар ва автоном округлар халқ депутатлари Советларининг асосий ваколатлари тўғрисидаги СССР қонунини бир овоздан қабул қилди.

Бу Қонунни кучга киритиш тартиби тўғрисидаги СССР Олий Советининг қарори бир овоздан қабул қилинди.

Шундан кейин сессия кун тартибдаги иккинчи масалани кўриб чиқишга киришди.

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги СССР Қонуни ҳамда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳалари ҳақида» Иттифоқ Совети табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комиссиясининг раиси **М. И. Умахонов** доклад қилди.

Ленининг табиатни муҳофаза қилиш ва унинг бойликларидан максимал равишда самарали, омилкорлик билан фойдаланиш ғоялари Коммунистик партиянинг сиёсатида, совет давлатнинг фаолиятида ўзининг реал ифодасини топмоқда деб уқтирди докладчи. СССРда ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ерни, ер остини, сув ресурсларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан илмий асосланган ҳолда оқилона фойдаланиш учун атмосфера ҳавосини мусаффо сақлаш учун зарур чоралар кўрилишини эълон қилган СССР янги Конституциясида табиатга социалистик муносабат принциплари жуда тўлиқ ифодалаб берилган.

Совет давлатининг экономика соҳасидаги муваффақиятлари теварак-атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган кенг миқёсли тадбирларни амалга ошириш учун мустаҳкам негиз яратмоқда. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳамда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳақидаги қонунлар табиатни муҳофаза қилиш қонунлари ягона системасига таркибий қисм бўлиб киради.

Докладчи кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг принциплари, мақсад ва вазифаларини тавсифлаб берди, уларнинг ҳар биридаги энг муҳим қоидалар ва хусусиятларга тўхталиб ўтди. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида атмосфера ҳавосини булғанишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиши қўзланган бир қанча принципиал янги қоидалар баён этилган. Иттифоқ қонунида биринчи марта булғатувчи моддаларни атмосферага чиқаришнинг ва унга зарарли физикавий таъсир ўтказишнинг йўл қўйиш мумкин бўлган нормативларини белгилаш тўғрисидаги талаблар кўзда тутилган. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси, деди М. И. Умахонов, табиий эркинлик ҳолатида яшовчи ёввойи жониворларни муҳофаза қилиш ва улардан тўғри фойдаланиш ҳақидаги ғамхўрлик билан боғлиқ бўлган масалалар комплекси ҳал этилган.

Муҳокамадан кейин депутатлар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги СССР қонунини, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳақидаги СССР қонунини ҳамда шу қонунларни кучга киритиш тартиби тўғрисидаги СССР Олий Совети қарорларини якдиллик билан қабул қилдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзенинг доклади юзасидан депутатлар СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқладилар ҳамда тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилдилар.

Шу билан сессия ўз ишини тамомлади.

(ТАСС).

КОММУНИСТЛАР АНЖУМАНИГА БИЗНИНГ ТУҲФАМИЗ

Барча совет кишилари каби Тошкент меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети Пленумининг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVI съездини 1981 йил 23 февралда чақириш тўғрисидаги қарорини ғоят баланд руҳ билан кутиб олдилар.

Шаҳардаги корхоналар ва қурилишларда ўтказилаётган митинг ҳамда йиғилишларда ишчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг беш йиллик топшириқларини, партиянинг ленинча ташқи сиёсат йўлини муваффақиятли амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини қизғин маъқуллашмоқдалар.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғув цехи коллективининг митингида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, йиғувчи-парчиловчи ишчи Т. Г. Павлова сўзга чиқиб, бундай деди:

— КПСС Марказий Комитетининг Пленумида партиямизнинг халқаро фаолиятига юксак баҳо берилди. Биз КПСС ва Совет давлатининг принципиал тинчликсевар йўлини, Ватанимизни ҳимоя қилиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги тадбирларини тўла-тўкис маъқуллаймиз. Бизнинг коллективимиз бундан буён ҳам зўр ғайрат билан самарали меҳнат қилади, юксак меҳнат унумдорлиги билан Улуғ Октябрь ватанининг қудратини мустаҳкамлайверади.

Цех бошлиғи И. Шубин, синовчи А. Ҳамроев ва бошқа ўртоқлар коммунистларнинг бўлажак анжуманини янги меҳнат зафарлари билан кутиб олиш, беш йиллик тугалловчи йилининг планини тўла ва ошириб бажариш учун ҳамма чораларни кўришга тайёр эканликлари ҳақида гапирдилар.

Тошкентдаги электрон техника заводи ишчилари съезд шарафига социалистик мусобақа уюштиришга қарор бердилар. Созловчи Шоолим Абдувасилов тайёрлов цехи коллективининг митингида сўзлаган нутқида биз ишлаб чиқариш планларини муддатидан илгари бажариш съездга энг яхши совғамиз эканлигини яхши биламиз, деди. У шахсий йиллик топшириғини Октябрь революциясининг 63 йиллигигача бажариш мажбуриятини олди. Токарь Т. Муҳиддинов, созловчи А. Умаров, ишчилардан А. Саъдиева, З. Мамашева ва бошқа кўп ўртоқлар Абдувасиловдан ўрнак олдилар.

Тошкентдаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорини ўз халқи, Коммунистик партия учун ифтихор туйғулари билан кутиб олдилар. Улар бу ерда ўтказилган йиғилишда Пленум материалларини ва коллективнинг партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги вазифаларини муҳокама қилдилар. Бош директор Е. Чуприн, йиғувчи-слесарь В. Шильников, токарь И. Николаевлар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг бутун жаҳонда тинчликни, Ватанимиз қудратини мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятини астойдил маъқулладилар. Кўп ишчилар, цех, участкаларнинг коллективлари ҳозирги пайтда ўз мажбуриятларини қайтадан кўриб чиқмоқдалар ва 1980 йил топшириқларини ҳамда умуман беш йилликни муваффақиятли бажариш учун КПСС XXVI съезди шарафига янги, оширилган мажбуриятларни олмоқдалар.

(ЎзТАГ).

Тошкент тепловоз депосининг машинистлари партия қарорларига амалий жавоб беришиб, КПССнинг бўлажак XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Улар беш йиллиннинг якунловчи йилини ленинча зарбдор меҳнат йилига айлантиришга аҳд қилганлар. Фотомухбиримизнинг ушбу фотолавҳасида коллектив ютуғига муносиб ҳисса қўшиб келаётган машинистлар, коммунистик меҳнат зарбдорлари Андрей Книспель ва «Фахрий темирйўлчи» Петр Новала акс этган. Улар коммунистларнинг навбатдаги улкан анжуманини шахсий меҳнат совғалари билан кутиб олиш тараддудидадирлар.

М. Нуриддинов фотоси.

СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ

Ҳар бир совет кишисининг ҳаётида муҳим воқеа бўладиган КПСС XXVI съездида ўнинчи беш йиллиқда Ватанимиз халқлари эришган улкан ютуқлар, олдиндаги вазифалар ҳақида амалий ва принципиал масалалар муҳокама қилинади.

1980 йилнинг 23 июнида бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг докладида баён этилган фикрларида халкимиз ўнинчи беш йилликнинг якунловчи маррасига белгиланган планлар ва социалистик мажбуриятларни бажариш билан қадам қўяётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Бизнинг бригадамиз коллективи ҳам ўнинчи беш йиллик план ва топшириқларини муддатидан илгари адо этдилар. Ҳозир биз 1981 йилнинг январь ойи ҳисобига ишлаяпмиз. Қурилишдаги прогрессив метод — бригада пудрати афзалликларидан унумли фойдаланиш туфайли ана шундай ютуқларни кўлга киритишга муваффақ бўлдик. Хўжалик ҳисобида ишлаш туфайли биз мунтазам равишда қурилиш муддатларини қисқартириш, объектларнинг қурилиш таннархини ғамайтиришга эришяпмиз. Шу кунларда бригадамиз аъзолари Куйбишев районидаги Пишпек кўчасида турар жойлар комплекси қурилишида иш олиб бормоқда. Қурилиш тезкорлик билан узлуксиз равишда олиб борилянти. Аммо Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли темир-бетон буюмлари заводи томонидан таъминот бўйича графикларнинг бузилиш ҳоллари ҳам бўлиб турибди.

Шу муносабат билан Леонид Ильич Брежневнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида айтган қуйидаги фикрларни эсга олиш ўринлидир: «Шуни таъкидлаш лозимки, ўнинчи беш йиллиннинг тугалловчи йили планини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун, ишга туширилаётган объектларни ўз вақтида топшириш. Ўн биринчи беш йиллиннинг биринчи йили — 1981 йилда халқ хўжалигининг барқарор ишлашини таъминлаш учун бутун кучғайратни ишга солиш керак».

Бу ҳаққоний айтилган фикр биз бинокорларнинг кўнглимиздаги гаплардир. Шунинг учун ҳам биз буни ўз ишимизда ҳис қиляпмиз.

Ю. СОДИҚОВ,
Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 4-трест 19-қурилиш бошқармасининг коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи.

Ярим йиллик план тайёр

БУГУН Тошкент саноат корхоналари коллективлари саноат маҳсулотлари реализация қилиш ва асосий халқ хўжалик буюмларини ишлаб чиқариш бўйича олти ойлик планни бажардилар. Социалистик мусобақада В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, электрон техника заводи, ёғ-мой комбинати ва бошқа корхоналарнинг коллективлари юксак натижаларга эришдилар.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг келаси йил 23 февралда КПСС XXVI съездини чақириш тўғрисидаги қарори меҳнаткашларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини ошириб юборди. Меҳнат коллективлари йиллик ва беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солишяпти. Уларнинг кўпчилиги москвеликларнинг ташаббусига қўшилиб, 1980 йил планини Улуғ Октябрнинг 63 йиллигига бажариш бўйича социалистик мажбурият қабул қилишди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ «Халқ депутатлари ўлка, область Советларининг, автоном областлар ва автоном округлар халқ депутатлари Советларининг асосий ваколатлари тўғрисида» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни, шунингдек СССР Олий Совети Президиумининг Фармонлари эълон қилинган.

⊙ 25 июнь куни СССР партия ва ҳукумат раҳбарлари XXII Олимпиада ўйинларининг мусобақалари ўтадиган Москвадаги янги спорт иншоотларини бориб кўрдилар.

⊙ Экономика фанини ривожлантириш ва илмий кадрларни тайёрлаш соҳасидаги муваффақиятлари учун СССР Олий Совети Президиуми СССР Фанлар академиясининг Экономика институтини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади.

ЯНАДА УНУМЛИ ИШЛАЙМИЗ

Автобус парки меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик планни 15 ноябрда ва йиллик планни 20 декабрда бажаришга аҳд қилиб, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишмоқда. Менинг ўзим 1 июлдан бошлаб 1985 йилнинг октябрь ойи ҳисобига ишлайман.

Биз хизмат қилаётган 76-маршрутдаги шофёрлар П. Злобин усулида меҳнат қилишиб, зиммага олган топшириқни ҳамиша ортиғи билан бажаришга эришишмоқда. Ҳар куни ана шу маршрутдаги 8 та автобусда 10,5 — 11 минг йўловчига хизмат кўрсатилмоқда.

Ҳозир корхонамиздаги 58 шофёр беш йиллик планни бажарди. Менинг ўзим Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVI съезди очиладиган кунгача ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилишга аҳд қилиб ишламоқдаман. Партиямизнинг навбатдаги бу съездини меҳнатда улкан ютуқлар билан кутиб олиш ҳар бир ишчи ва зиёлининг бурчидир.

Корхонамиздаги барча шофёрлар, йўловчиларга янада намунали хизмат кўрсатиш билан бирга зиммаларига олган топшириқни ортиғи билан бажаришга аҳд қилиб меҳнат қилишмоқда. Бунга бугунги кунда бешта маршрутнинг ўнинчи беш йиллик планни бажаришлиги яққол мисол бўла олади. Ҳозир паркимиздаги 20 та маршрутда ҳар куни 110—120 минг пассажирга хизмат кўрсатилмоқда.

З. ЮСУПОВ,
«Ғлавташпасса в т о транс» бошқармасига қарашли 3-автобус парки шофёри. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.

Район партия комитети пленуми

КПСС XXV съезди қарорлари, ўнинчи беш йиллик планлари ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишида меҳнат коллективлари томонидан амалга оширилаётган ишларда коммунистларнинг евангардлик ролини янада ошириш юзасидан район партия ташкилоти олдида турган вазифалар, партия аъзоларининг топширилган иш учун масъулиятларини ошириш масалалари Ленин район партия комитетининг пленумида муҳокама этилди. Пленумда район партия комитетининг иккинчи секретари Т. Х. Ҳайдаров доклад қилди.

Музокарада сўзга чиққан Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институти партия комитетининг секретари А. Ширяев, «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси чевари Г. Анопа, «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси бош директори В. Фетисов ва бошқалар партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг беш йилликнинг якунловчи йилида амалга ошираётган ишлари тўғрисида, самарадорликни оширишнинг янги резервлари, коммунистларнинг ғоявий ва ташкилотчилик ишлари тўғрисида гапирдилар.

Пленумда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов сўзга чиқди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Район Советининг сессияси

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съезди қарорлари асосида меҳнаткашлар хатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорини бажариш ҳамда қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан назоратни кучайтириш юзасидан район Совети ижроия комитетининг амалга оширган ишлари тўғрисидаги масала халқ депутатлари Ҳамза район Советининг сессиясида муҳокама этилди. Ушбу масала юзасидан ижроия комитет раиси Ж. Ш. Шаҳбозов доклад қилди.

Сессия қатнашчилари Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси инженери Роза Жуманзарованинг депутатлик фаолиятини, Совет ва унинг органлари томонидан берилган топшириқларни қандай бажараётганлиги тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Район ижроия комитетининг 1978 йилги ишлари ҳамда 1979 йилда районни социал-иқтисодий ривожлантириш планининг бажарилиши тўғрисида ижроия комитет раисининг ўринбосари П. Х. Йўлдошев доклад қилди. Шунингдек, ташкилий масала кўриб чиқилди.

Сессия қатнашчилари муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилдилар.

АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

Ҳамза район партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўрток Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари ва 1980 йилда ишга туширилиадиган объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш бўйича республика партия активи йиғилишининг қарорини бажариш билан боғлиқ вазифаларни муҳокама қилдилар. Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Н. Нажмиддинов доклад қилди.

Йиғилишда сўзга чиққан Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси капитал қурилиш бошқармаси партия комитетининг секретари М. Ф. Искандаров, 1-уйсозлик комбинати 2-монтаж бошқармаси монтажчилар бригадири А. Н. Князев, 2-уйсозлик комбинати бошлиғи Ю. Н. Винтовкин, район ижроия комитети раисининг ўринбосари П. Х. Йўлдошев ва бошқалар эътиборни мавжуд резервлар ва фойдаланилмаётган имкониятларга жалб этдилар, камчиликларни тугатиш ҳақида гапирдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СЕМИНАР-КЕНГАШ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида 25 июнь куни республика, область, шаҳар, район газеталари, телевидение ва радиоэшиттириш, ахборот агентлиги ходимларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитети 1980 йил июнь Пленуми қарорлари асосида оммавий ахборот ва пропаганда воситалари фаолиятининг асосий йўналишлари кўриб чиқилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўрток Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган докладида партиянинг ички ва ташқи сиёсати чуқур таҳлил этилди, ўнинчи беш йилликнинг тугалловчи йили планини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун, ишга туширилиадиган объектларни ўз вақтида топшириш, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида халқ хўжалигининг барқарор ишлашини таъминлаш учун бутун куч-ғайратни сарфлаш зарурлиги уқтириб ўтилди, деб таъкидланди семинарда. Ҳозир журналистлар ўзларининг бутун фаолиятларини Коммунистик партия билан совет халқи турмушида бўлажак шонли воқеа — КПСС XXVI съездига тайёргарлик билан боғлашлари, умумхалқ меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини, партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишини батафсил ёритишлари керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлимларининг мудирлари: қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири Т. Г. Зинин, оғир саноат ва машинасозлик бўлимининг мудири Г. Х. Кодиров, енгил ва озиқ-овқат саноати бўлимининг мудири А. С. Икромов, қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими мудирининг ўринбосари П. И. Синекопов республика экономикасини ривожлантиришнинг, халқ хўжалиги планлари бажарилишини идеология жиҳатидан таъминлашнинг энг муҳим масалалари билан журналистларни таништирдилар.

Матбуотда, телевизион кўрсатув ва радиоэшиттиришларида беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган мусобақада тўпланган илғор тажрибани кенг ёритиш зарурлиги қайд этилди. Бутун диққат-эътиборни саноатни ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришнинг энг асосий соҳаларига, иқтисодий потенциални ўстириш истиқболларига каратиш лозим.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари республика деҳқонлари бу йил Ватанга 5 миллион 850 минг тонна «ок олтин» бериш юзасидан олинган мажбуриятни бажариш учун қандай меҳнат қилаётганликларини кун сайин кўрсатиб боришлари керак. Журналистларнинг вазифаси қишлоқ меҳнатчиларининг дон, гўшт, сабзавот, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш йўлидаги курашини мунтазам равишда тасвирлашдан иборат.

Газеталар, телевидение, радио энг муҳим қурилишлардаги ишларнинг боришини доимо диққат марказида тутишлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўрток Л. И. Брежневнинг 1980 йилда ишга туширилиадиган объектларни ўз вақтида қуриб битказиш тўғрисидаги кўрсатмалари қандай амалга оширилаётганини кўрсатишлари лозим.

(ЎзТАГ).

БУГУН ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИДА

ҲАР БИР КОММУНИСТ — МУРАББИЙ

Ип-йигирув фабрикасининг нормировкачилари, бўлимлар бошқармаси ходимлари ҳар кунн қўплаб саволларни ҳал этиш учун меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи Л. Н. Аҳмерованинг олдига келишади. Уни илгари бутун иш кунн мобайнида ўз ўрнидан топиш мумкин эди. Кейинги икки ой мобайнида кескин ўзгариш бўлди: Людмила Николаевнани фақат белгиланган вақтдагина учратиш мумкин, холос. Чунки у эрталаб соат саккиз яримдан тўққиз яримгача, кундузи 14.30 дан 16.00 гача йигирув цехида бўлади. Агар сиз уни зудлик билан кўрмоқчи бўлсангиз, 6-комплекс участкасидан қидиринг. Чунки уни бу ерга мураббий қилиб бириктиришган.

Унинг зиммасига юкланган вазифа оғир ва мураккабдир: қисқа вақт мобайнида янги ишчиларни тайёрлаб, уларни планни бажаришларига, янгі бошида ишчи кучи етишмаслиги сабабли қарз бўлиб қолганларга ёрдам бериши керак. Мана, Людмила Николаевна Николаевна билан бирга хизмат бўлимлари раҳбарлари цех томон шошиб келишяпти.

Комбинат ҳунартехника билим юртининг ўқувчилари — шогирдлар ўзларининг устозларини кутмоқдалар. Людмила Николаевна ёш қизларнинг — бошловчи йигирувчиларнинг юзидаги табассумни кўриб, қувончи ичига сиғмай кетди. Хаёллар уни узоққа олиб кетди. Ўз вақтида у ҳам бу ерда, шу машиналар ёнида туриб ҳунар ўрганган. Ана шу ҳунартехника билим юртида ўқиган, сўнгра 14 йил мобайнида ана шу участкада йигирувчи бўлиб ишлади.

Людмила Николаевна билан унинг шогирдларининг меҳнат биографиясида умумийлик бор. Қизлар орасида шундайлари борки, бир вақтнинг ўзида кечки смена мактабларида ўқишади. У ҳам ўз вақтида ишни ўқиш билан олиб борган эди. 1966 йилда ишчи-ёшлар мактабини тугатди. Лекин бу билан чекланиб қолмади. Тўқимачилик ва енгил саноат институтига ўқишга борди. Ишдан ажралмаган ҳолда саноат корхоналарини планлаштиришни ва иқтисод факультетини тугатди. Сўнгра йигирув цехида нормировкачи бўлиб ишлади. Бир йил муқаддам уни ип-йигирув фабрикасининг меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи қилиб тайинлашди.

Албатта, ишлаб чиқаришга бундай кириб келган киши учун ёш йигирувчиларни участкага ўқитиш осон иш эмас. Ишчи кучи кескин етишмай турган бир пайтда қўлдан келган ёрдамни аяб бўладими, ахир!?. Коммунист Л. Аҳмерова ишлаб чиқариш вазиятн шуни талаб этаётганлигини яхши билади.

Яқинда ип-йигирув фабрикасининг партия ташкилоти коммунистлари ишчи кадрлар тайёрлаш ишини яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги масалани ҳар томонлама чуқур қизиқиш билан ўрганиб чиқдилар. Қабул қилинган қарорда шу нарса аниқландики, ҳар бир коммунист ёшларнинг мураббийи бўлиши лозим. Бу талаб фақатгина цехда эмас, хизмат бўлимларида ишлаётган партия аъзоларининг фаолиятларида кундалик ишга айланиб қолди.

Мана, Людмила Николаевна цехга шошиб борянти. У бир қараштаёқ ўткир нигоҳи билан ёш ишчи қандай хатога йўл қўяётганини кўради. У кўп хатоларни кўрмаслиги ҳам мумкин. Шунга эришиш керакки, хатолар бошқа қайтарилмасин. Шунинг учун ҳам мураббийнинг олдиндан шундай ёзув ёзилган: «Қорабоева. Маршрутни сақламаянти. 12 минут ўрнига машиналарни 25 минутда айланиб ўтди. Ишни нотўғри ташкил этмоқда». «Эргашева. Ростлагичлар тоҳ орқага, тоҳ олдинга чопянти. Ўзилган ипларни улаш учун маршрут бўйлаб олдинга юриш керак. Иккита машинани айланиш учун 6 минут ўрнига 12 минут сарфлянти...»

Эртасига ёш йигирувчилар маршрутга қандай риоя қилаётганликларини текширди. Бу жараён, яъни смена мобайнида юз марталаб такрорланувчи операция айниқса силлиқлашда жуда муҳимдир. Ишчи тезкорлик усулларни пухта ўзлаштириб олиши учун янада кўпроқ ишчуқларга хизмат курсатиши керак. Бунда хизмат кўрсатиш зонасиниқ кенгайтиради ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича илғорларга етиб олади. Шунинг учун ҳам Людмила Николаевна ҳар бир машина олдида тўхтаб, қизларга тушунтиради ва амалда кўрсатади. Ҳар куни шундай...

Ҳозир Людмила Николаевна йигирма беш нафар ёш ишчига мураббийлик қиляпти. Блокнотда ёзувлар пайдо бўлди: «Халилова, Нурчаева, Розикова дастлабки ютуқларга эришяпти».

Людмила Николаевна тез-тез қизларни сменадан сўнг тўплаб, улар билан ўтган иш куни тўғрисида ўзаро ўртоқлашади. Ана шундай суҳбатларнинг бири иш кунининг батафсил анализ қилишга бағишланди. Унда смена мобайнида нима учун комплект топшириқни бажаролмаганлиги муҳокама этилди.

Мураббий ўқувчиларга техника хавфсизлиги қоидаларини ҳам тушинтиришни унутмайди. Чунки техника хавфсизлигини билмаслик турли воқеаларга олиб келиши мумкин. Мана бир мисол. Ёш ишчилардан бири цехга баланд пошнали туфлида келди. Бундай пойафзалда ишлаш қийин. Натижада шиппак қидиришга тўғри келди...

Мураббийнинг икки ойлик меҳнати беҳуда кетмади. Илгари қолоқ бўлган комплект топшириқларни бажара бошлади. Бироқ мураббий «ўз қуролини гилофига» солмаяпти. Эндиликда унинг олдида янги вазифалар турибди: қизларни юқори энчиликда ишлашга тайёрлаши керак.

Бошқа мураббийлар, коммунистлар — йигирув ишлаб чиқаришининг катта нормировкачиси Надежда Константиновна Штурмина, йигирув цехи нормировкачиси Зинаида Федоровна Файзулова, планлаштириш бўйича катта инженер Елена Павлова Бабичева, устахона мастери Анфиса Петровна Грачева ва бошқа инженер-техник ходимлар бошловчи тўқимачилар билан ана шундай ишлашяпти.

Мураббийларнинг сафи тез ўсяпти. Март, апрель ва май ойларида ип-йигирув фабрикасига ишчи синфининг ёш ўринбосарлари келишди. Янгит ва қизларни қисқа муддат мобайнида турли хил тўқимачилик касбларига ўргатиш зарур. Чунки улар техникадан унумли фойдаланиш, асбоб-ускуналарни серунум ишлатишни эгаллаб олишлари керак. Бу эса тўла амалга ошмоқда. Агар февраль ойида фабрикада юздан ортиқ мураббий бўлган бўлса, улар ҳозир йигирув ишлаб чиқаришида 182 нафарни, ип фабрикасида 88 та бўлган бўлса, ҳозир уларнинг умумий сони 350 нафардан ортиқни ташкил этади.

Мураббийларнинг меҳнати фабрикада иш суръатини оширишга ёрдам берди. Май ойида калава ва ип ишлаб чиқариш бўйича план бажарилди. Ваҳолонки, апрель ойида фабрика калава ишлаб чиқариш бўйича ортда қолаётган эди..

И. МАРГОНИН,
кўп нусхали «Голос текстильщика» газетасининг редактори.

Елена Нам 85-ҳунар-техника билим юртининг ўқувчисидир. Ҳозир у 1-тўқув фабрикасининг 2-цехида ишлаб чиқариш практикасини ўтаяпти. Бу вақт мобайнида у кўп нарсаларни ўрганиб олди. У мураббийси Татьяна Ермуҳамедованинг ёрдами туфайли кўпгина илғор иш усулларини ўрганиб, ҳозир нормадаги 24 ўрнига 28 та станокка хизмат кўрсатяпти.

ИШЧИ МАҲОРАТИ КЎРИГИ

Тошкент тўқимачилик комбинатида ишчи маҳорати кўриги конкурси ўтказилди. Конкурсда комбинатнинг 150 нафар ёш ишчиси ўз маҳоратини намойиш этди. Талабчан жюри аъзолари қизларнинг ҳар бир иш ҳаракатини синчиклаб кузатиб турдилар. Конкурс вақтида ёш ишчилардан меҳнатни рационал ташкил этиш, иш вақтидан тўғри фойдаланиш, ҳар бир иш операциясини энг қисқа вақт ичида моҳирлик билан бажариш талаб этилар эди...

Тўқувчилар конкурсида фабрика дастлабки конкурсининг голиблари Мадина Раҳмонова, Люба Тарасова, иккинчи йигирув-тўқув фабрикаси тўқувчиси Наташа Овчинникова ва унинг 6 дугонаси иштирок этди.

Мадина Раҳмонова конкурсда иккинчи бор қатнашмоқда. Унинг илғор иш тажрибасини комбинат қошидаги 85-шаҳар ҳунар-техника билим юрти талабаларидан 160 киши ўрганди. Ҳозир ана шу ёш ишчилардан бир нечтаси мазкур конкурсда иштирок этди. Шубҳасиз, эндигина меҳнат фаолиятини бошлаган ёш кадрлар ҳадемай ишлаб чиқариш илғорларн сафидан ўрин эгаллайдилар, кўпстанокка хизмат қилишга ўтадилар.

Мазкур конкурсда тўқувчи Галина Ибодина, ип йигирувчи Мукаррам Норматова, ип ўровчи Гуля Сеитовалар голиб чиқишди.

С. ҲИДОЯТОВ.

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ХРОНИКА

⊙ Тўқимачилик ишлаб чиқаришининг Чилонзордаги 1-филиали қурилиши уч сменада, зарбдор суръатда давом этяпти (бош пудратчи «Главташкентстрой»нинг 6-трести 7-қурилиш бошқармаси). Ҳозир тўқувчилик цехида рангли полларни ётқизиш тугалланяпти.

Тўқимачилик станокларининг биринчи партияси янги ишлаб чиқариш корпусига келтирилди. Яқин вақтда ускуналар ўрнатилади.

Бинонинг ташқи қисмида том ёпувчилар ва пардозчилар иш олиб боришяпти, кўёш тўқич мосламалар ўрнатилянти.

⊙ Тўқимачилик комбинатида болгар дўстлар — Болгария Халқ Республикаси касаба союз совети Хасково округи делегацияси бўлди. Айниқса, мусобақадош дугоналар — Болгария Халқ Республикаси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Иванки Гинева билан Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси СССР Олий Советининг депутати Дилбар Қулматованинг учрашуви ҳаяжонли бўлди. Корхонада совет-болгар дўстлиги митинги бўлди.

⊙ Савдо номери 30 бўлган яна бир оқ ип сифатнинг олий категориясига тақдим этилди. Ҳозир бу ипдан ҳудди 40-ип сингари Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилянти.

Ю. А. Гагарин номли тўқимачилар Маданият саройи қошидаги халқ тасвирий санъат студияси тез кунларда ўзининг 30 йиллигини нишонлайди. Бу ерда ҳозир олтита бўлим — живопис, графика, ҳайкалтарошлик, керамика, чеканка ва ганч ўймакорлиги бўлимлари ишлаб турибди. Студия Москвадаги беш Бутуниттифоқ виставкаларининг лауреати ҳисобланади. Студия иштирокчиларининг ишлари мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида намойиш этилган ва уларни томошабинлар зўр қизиқиш билан кўрганлар.

СУРАТДА: студия қатнашчилари машқ пайти.

А. Сидякин фотолари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ГАЗЕТАНИНГ БАЙРАМИ

ВАРШАВА. Шаҳарнинг кўча ва майдонлари байрамона безатилган. Бу ерда ПБИП Марказий Комитетининг органи — «Трибуна люду» газетасининг анъанавий байрами «Тинчлик — хавфсизлик — меҳнат» шнори остида ўтмоқда.

Минглаб варшаваликлар пойтахтдаги халқаро матбуот ва китоб клубларида ташқи ишлар министрлигининг ходимлари, «Трибуна люду» газетасининг халқаро мавзуларда ёзувчи, таниқли журналистлари билан учрашдилар, Халқ Польшасининг ташқи сиёсатини, унинг СССР билан, бошқа қардош социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам иттифоқини тасвирловчи ҳужжатли ва бадиий фильмларни томоша қилдилар. Варшава аҳолиси ва меҳмонлари фашизм устидан қозонилган галаба нинг 35 йиллигига ва Варшава Шартномаси тузилган кунинг 25 йиллигига бағишланган сиёсий плакат ҳамда фотосуратлар виставкаси билан танишдилар.

СОВЕТ ТАШАББУСИ ТАБРИКЛАНДИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Коммунистик партияси тинчликсевар давлатлар ва бутун дунёнинг тинчликсевар кучлари Совет ҳукуматининг Афғонистондан бўлиши бундан кейин зарур деб топилмаган совет ҳарбий бўлинмаларининг бир қисмини Афғонистондан олиб кетишни кўзда тутувчи ташаббусини қизғин табриклайди. Ҳиндистон Компартияси миллий кенгашининг секретари Н. К. Кришнаннинг баёнотида шундай деб айтилган.

Совет Иттифоқининг бу тадбири унинг Афғонистонга нисбатан ўтказаётган сиёсатининг самимий эканлигини яққол исбот этади, дейилади баёнотда. СССР Афғонистонда совет қўшинларининг чекланган қисмининг бўлишидан бирдан-бир мақсад шу мамлакатнинг миллий суверенитетини ташқаридан қуролли аралашувдан ҳимоя қилишдан иборат эканлигини неча марталаб таъкидлади. Совет ҳукуматининг бу қарори унинг тинчликсеварлик ташаббусини қатъият ва изчиллик билан олиб бораётганлигининг ажойиб далилидир.

Вашингтон билан Пекин Совет Иттифоқининг шу муҳим тадбирини рад этиб «Афғонистондаги тангликда улар жиноий роль ўйнаётганлигини, бу тангликдан тинчлик ишига ва миллий-озодлик ҳаракатлари манфаатларига қарши ўзларининг илгари планлаштириб қўйган операцияларини амалга ошириш учун бир баҳона сифатида фойдаланаётганликларини яна бир марта намойиш қилди.

ЭНЕРГЕТИКЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

СОФИЯ. Болгария энергетикларининг катта армияси бугун ўзининг қасб-кор байрамини нишонлар экан, ўз зиммасидаги бурчни адо этганлиги билан фахрланмоқда. Софияда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда уларнинг меҳнатда эришган юксак натижалари қайд этилди. БКП XI съезднинг мамлакат энергетикасини жадал ривожлантириш юзасидан қўйган вазифаси муваффақиятли бажарилмоқда. Еттинчи беш йилликнинг сўнгги йили бўлмиш шу йилнинг дастлабки беш ойида мамлакат энергетиклари 1979 йилнинг шу даврига нисбатан 7,6 процент кўп электр энергия ҳосил қилиб бердилар.

Болгарияда ҳар йили ишлаб чиқариладиган электр энергия 32 миллиард киловатт-соатдан ошади. Аҳоли жон бошига электр энергия истеъмол қилиш жиҳатидан БХР ривожланган бир қанча капиталистик давлатлардан ўзиб кетди. Республикани иқтисодий ривожлантириш планида бу йил 1979 йилга нисбатан икки баравар кўп энергетика қувватларини ишга тушириш кўзда тутилган.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ УЧУН АЛЮМИНИЙ КОНСТРУКЦИЯ

БЕЛГРАД. Шибеникадаги Б. Кидрич номли енгил металлар комбинати таркибига кирувчи «Элмекс» заводининг коллективи Совет Иттифоқининг буюртмасини бажаришга киришди. Бутуниттифоқ «Разнонимпорт» бирлашмаси билан тузилган шартномага биноан корхона СССР Фанлар академиясининг президиуми учун Москвада қурилаётган бинога керакли кўп миқдордаги алюминий конструкциялар етказиб беради.

Завод директори А. Микуландранинг айтишича, Шибеника металлчилари ЮСФР металл ишлаш корхоналари практикасида биринчи марта совет пойтахтида қурилаётган бинога ўрнатилмоқчи бўлган 17 метрли алюминий гумбаз учун каркас ишлаб чиқаришлари керак. Бу — масъулиятли ва мураккаб иш бўлгани учун унинг лойиҳаси совет ва югослав мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқилди.

Югославияу алюминий конструкциялари ва профилларн совет қурувчиларига яхши маълум. Улар Москвадаги «Белград» меҳмонхонасининг икки корпусини қуришда, Қора денгиз соҳилидаги меҳмонхоналар қурилишида ишлатилди.

Бундан ташқари, завод коллективи Сочидаги янги меҳмонхона комплекси учун енгил металлдан қурилиш материаллари ҳам тайёрлаб берди.

КЎПЛАБ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ

ПХЕНЬЯН. Пхеньяндаги Ким Чжон Тҳэ номли электровозсозлик заводи «Пульгиги—6» («Қизил байроқ—6») маркали янги магистрал электровозларни кўплаб ишлаб чиқара бошлади. Саккиз ўқли янги локомотив илгари шу корхонада ишлаб чиқарилган электровозларга нисбатан темир йўл составларининг вазнини бир ярим баравар кўпайтириш, шунингдек айниқса мураккаб рельефли йўл участкаларида поездларнинг ҳаракат тезлигини анча ошириш имконини беради. «Нодон синмун» газетасининг таъкидлаб ёзишича, янги кучли электровоз ишлаб чиқариш ўзлаштирилганлиги республикада темир йўл орқали юк ташишни кўпайтириш учун катта аҳамиятга эга бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

БРАЗИЛИЯ. «Коррею Бразилиэнси» газетаси Совет Ўзбекистони ҳақида катта расмли мақола эълон қилди. Республикага сафар қилган Бразилия журналисти ўзбек халқининг ҳаёти тўғрисидаги таассуротларини газетхонлар билан ўртоқлашади.

Мақолада Ўзбекистон экономикаси, маориф ва маданияти юксак даражада эканлиги қайд этилади. Ўзбекистон, деб ёзади газета, энг муҳим пахта етиштирувчи республика сифатида машҳур, у ерда қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган.

Ўзбекистонда Совет Иттифоқининг кўпгина миллат вакилларн ҳамжиҳат яшашади. Ўтмишда қолоқ бўлган халқ энди ўзининг кўп сонли институтлари, музейлари, университетлари билан ҳақли равишда фахрланади.

Газета Ғарб пропагандаси даъволарига қарамай, Ўзбекистонда диндорлар мачитларга бемалол бориб турибдилар, деб таъкидлайди.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

ВАРШАВА. Польша касаба союзлари бу йилги ёзда меҳнаткашларга дам олишнинг янги турини — яхталарда саёҳат қилишни таклиф қилдилар. Шу максадда Висла ороли ва Мазур кўли қирғоқларида иккита база очилди. Бу базалар «Корморан» ва «Корина» типидаги ўнлаб яхталарга эга. Буларнинг ҳар бири беш кишига мўлжалланган бўлиб, уларда узоқ саёҳат қилиш учун барча зарур имкониятлар бор.

Польша касаба союзларининг дам олиш уйлари ва спорт-соғломлаштириш базалари ёзги мавсумга тайёргарликни муддатидан барвақт тамомладилар. Буларда бу йил 4,7 миллион меҳнаткаш, яъни ўтган йилдагидан 200 мингдан кўп киши дам олади.

* * *

ЛЮКСЕМБУРГ. Европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатлари — савдо балансининг камомати 1979 йилда «Умумий бозор» мамлакатларининг бутун тарихида рекорд даражага етди. Европа иқтисодий ҳамжамияти статистика бошқармасининг хабарига қараганда, камомат ўтган йили 960 миллиард Бельгия франкини ташкил этди.

* * *

БАЙРУТ. Бегин кабинетнинг экспансиячилик сиёсати Исроил демократик жамоатчилигининг кенг норозилигини қўзғатмоқда.

Олинаётган хабарларга қараганда, Тель — Авивда «Бугунги дунё» ҳаракати ташкил этган кўп минг кишилик намойиш бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари оккупация қилинган Араб территорияларида исроилликлар учун уй-жой қурилишининг тўхталишини, Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатилишини талаб қилдилар.

* * *

МАПУТУ. Жанубий Африка Республикасидаги 16 кампаниянинг корхоналари забастовка эълон қилди. Ларда 10 мингдан кўп ишчи қатнашмоқда. Ахборот агентликларининг хабарларига кўра, Американинг «Форд мотор», «Гудьир тайр энд раббер компани» ва «Женерал моторс» фирмаларига қарашли заводларнинг, шунингдек Ғарбий Германиядаги «Фольксваген» компаниясининг меҳнаткашларининг забастовкаси оммавий тус олмоқда.

Шанба куни порт — Элизабет Уитенхаге шаҳри чеккасида қўзғолон кўтарган бир неча минг ишчини тарқатишга уриниб, полиция ўт очди. Бир киши жароҳатланди. Маъмурлар порт — Элизабет шаҳрининг касаба союз раҳбарларини қамоққа ола бошладилар. Франс-Пресс агентлигининг хабар беришича, Жанубий Африка Республикаси меҳнаткашларининг ҳаракатлари маъмурларни жиддий ташвишга солмоқда. Улар бу забастовкалар Жанубий Африка Республикасининг бошқа шаҳарларига тарқалиб кетишидан ташвишланмоқдалар.

* * *

ИСЛОМОБОД. Бу ерда ўтаётган Покистон хотин-қизлари миллий конференциясида вилоятлар маслаҳат кенгашларининг ишида хотин-қизлар иштироки проблемаларига алоҳида эътибор берилди. Мамлакат Конституцияси жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизларнинг кенг иштирок этишини расман кўзда тутса-да, амалда бундай эмас. «Покистон Дайжест» журналининг эътироф этишича, яъни миллий маҳсулотнинг камида ярмини ишлаб чиқараётган покистонлик хотин-қизлар тенгсизликка маҳкум этилган ва улар оилада кўпинча камситилмоқда.

Япония ишчи ва хизматчилари ҳукмрон доиралардан мамлакатда тобора ўсиб бораётган инфляция ва қимматчиликка барҳам бериш, шунингдек кенг аҳоли оммасининг меҳнат шароити ва ҳаётини яхшилашни талаб қилиб чиқмоқдалар.

СУРАТДА: Токио меҳнаткашлари ўзларининг иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини талаб қилмоқдалар.

Жапан Пресс—ТАСС фотоси.

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ УЙ-ЖОЙ ҚОНУНИ АСОСЛАРИ ЛОЙИҲАСИ— МУҲОКАМАДА

ЮРИСТЛАР ТАКЛИФИ

Тошкент шаҳар суди гражданлар ишлари бўйича суд коллегияси ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикаларнинг уй-жой Қонуни асослари лойиҳасини муҳокама қилиб чиқиб, бу Қонуннинг қабул қилиниши совет уй-жой қонунчилигини ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади, ҳуқуқнинг мустақил тармоғи — совет уй-жой ҳуқуқини, уй-жойлар билан ҳуқуқий муносабатда бўлишни тартибга келтиришни ривожлантириш имконини беради, деб ҳисоблайди.

Қонун асослари лойиҳаси моддама-модда ҳаҳиллик билан баён этилган ҳамда у уй-жой қонунчилигининг асосий низомларини ёритиб беради.

Шу билан бирга, Қонун лойиҳасининг баъзи-бир моддаларига аниқлик киритишни, бошқача таҳрирда ифода этишни тақозо қилади. Улар ижтимоий муносабатлар ҳарактери билан боғлиқдир. Жумладан, 5-модданинг I ва II абзацларини қуйидаги таҳрирда таклиф этамиз:

«Уй-жойлар гражданларнинг уй-жойига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун мўлжаллангандир.

Хизмат жойидаги турар жой хоналари ўз меҳнат характерларига кўра, меҳнат шартномаси тузган ходимлар учун мўлжалланган бўлади».

21-модданинг 2-қисмини қуйидагилар билан тўлдиришга тўғри келади: «Уй-жой беришда типовой лойиҳа бўйича бир оила учун мустақил эгаллашга мўжаллаб қурилган квартираларга икки ёки ундан кўпроқ оилаларнинг кучиб киришларига йўл қўйилмайди».

29-моддани ҳам қуйидаги сўзлар билан тўлдириш керак: «Уй-жойни ижарага олиш шартномаси, оиланинг балоғатга етган аъзоси талабига кўра, агар у билан бирга яшаётган оиланинг қолган аъзолари розилик билдирган ҳамда турар жой майдони унинг ҳиссасита тўғри келган тақдирдагина ўзгартирилиши, унга Қонун талабларини қондирадиган хона ажратиш мумкин».

44-моддага қуйидаги характердаги қўшимча киритилишини таклиф қиламиз: «Гражданларнинг шахсий мулкида бўлган уй-жойлар фойдаланиш учун белгиланган ва у шахсий мулк эгаси унинг оила аъзоларининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Гражданлар нинг шахсий мулкида бўлган уй-жойларни эгаллаш тартиби, ундан фойдаланиш ва уй-жойга эгалик қилиш Иттифоқдош республикаларнинг уй-жой кодексида белгиланган ҳоллар билан аниқланади.

Уй-жой эгаси ундан меҳнатсиз даромад чиқариб олиш ҳуқуқига эга эмас.

Ўз ихтиёрича уй ёки уйни бир қисмини қириш ман этилади».

46-моддада шахсий мулкида уй-жойи бўлган ва унинг оила аъзоларининг бузилиши лозим бўлган уйлари ўрнига уларга уй-жой берилиши тўғрисида ҳеч нарса айтилмаган. Шунинг учун 46-моддаларнинг қуйидагича тўлдирилишини таклиф қиламиз: «бузилиши лозим бўлган уйларда истиқомат қилувчи уй эгалари ва уларнинг оила аъзоларига ўзлари эгаллаб турган фойдали турар жой майдони, лекин шу жойда ҳисобда турган шахслар учун бериладиган уй жой минимал нормасидан кам бўлмаган, бошқа ободонлаштирилган хона берилади.

Агар уй янги жойга кўчирилиши лозим бўлган тақдирда, уй эгалари ўзлари учун кўчириладиган уйдан турар жой берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бузилиши лозим бўлган хусусий уй эгасининг собиқ оила аъзолари, лекин хусусий уй эгаси билан умумий хўжалик юритувчи эмас, бузилган уйда қанча вақт турганларидан ҳамда уй эгаси уйи бузилганлиги учун пул ёки квартирами олганлигидан қатъий назар, уй эгаси билан баб-баравар турар жой билан таъминланадилар.

Агар бузилиши лозим бўлган иморат мустақил оилада яшовчи икки ва ундан кўпроқ шахсларга тегишли бўлса, жой эгаларининг ҳар бири ўзлари ва оила аъзолари учун алоҳида квартира талаб қилишлари ёки иккинчи оила нима олишдан қатъи назар, ўз ҳиссаларига тегишли бўлган пулни ундириб олиш ҳуқуқига эгалар».

VI бўлим «Уй-жой хусусидаги низоларни ҳал қилиш» деб номланган. Лекин унда қайси бир низо суд органларида, қайси бирлари арбитраж, ўртоқлик суди ва бошқа жойларда ҳал қилиниши кўрсатилмаган.

Асосларда уй-жой хусусидаги низолар ҳал қилинишини чегаралаб қўйиш керак.

Б. ЭШОНОВ,
шаҳар суди гражданлар ишлари бўйича суд коллегиясининг раиси, юридик фанлари кандидати.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

ОБЪЕКТ БАРВАҚТ ТОПШИРИЛАДИ

«Ташэнергострой» қурилиш-монтаж бошқармасининг коллективи Газалкентдаги музика мактабини, Тошкентдаги Қорасув ва Чилонзор уй-жой массивларн учун қурилаётган қозонхоналарни Октябрь байрамигача фойдаланиш учун топширишга қарор берди.

Москвалик ишчиларнинг ташаббусини «Узбекгидроэнергострой» трестининг бошқа коллективлари ҳам қўллаб-қувватладилар. Чунончи, «СирдарьяГЭСстрой» бошқармасида улардан ибрат олган Александр Ишченко бошлиқ дурадгорлар бригадаси Фарҳод ГЭСи тўққизинчи ва ўнинчи агрегатларининг блокларига бетон қуйиладиган қолипларни ўрнатиб бўлди. Реимбой Сабуров бошлиқ сувоқчилар бригадаси эса «Фарҳод—5» посёлкасидаги жамоат марказини пардоздан чиқарди.

(ЎзТАГ).

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

ИЗЗАТИНГДАН АЙРИЛМА

ҚОРА МУШУК

БУГУН уларнинг турмуш қуришганига роппа-расо ўн йил тўлди. Шу кунни улар ўзларича нишонламоқчи бўлишди. Лекин негадир Юлдузхон ишдан ҳадеганда қайтавермади. Нодир бозор-ўчарниям қилиб чиқди. Сабзи-пиёзни қозонга босди. Нишонлаш-нишонлашдек бўлсин деб, шампанскоени холодильникка қўйди.

— Наргиз қизим, ўзимиз дастурхон безай қолайлик.

Фақат Наргиз эмас, кичкина Дилбар ҳам ишга киришиб кетди. Вазада конфет ҳам қўйишди, пахтанинг акси туширилган тортни ҳам. Ҳаммаси тайёр. Фақат Юлдузхондан дарак йўқ.

Нодир энди ҳавотирлана бошлади. Балкондан уч-тўрт қараб ҳам қўйди. Ҳадеб қарагиси келди-ю, тўғридаги ёғоч каравотда роҳатланиб ўтирган эркаклардан негадир мулоҳаза қиларди. Негалигини дам тушунгандай бўлар, дам бу тушунчаси мавҳумлашарди.

— Қани, дўмбоқлар, энди ҳай-ҳай қўйлакларингизни қийиб олинг,— деди у қизларини эркалаб.

— Ўзимни тўйлагим чиройли-ю, — деди Дилбар эгнидаги атлас кўйлакчасини кўрсатиб.

— Бугун уйимизда кичик байрам, ясанишингиз керак.

— Вой, байламда ашула этиб беямансиз?— деди яна биҳиллаб Дилбар.

— Шеър ҳам айтасан, — Нодир кўча эшикка қараб кўйди-ю, худди Юлдузхон кириб эшитиб қолдигандек овозини секин пасайтирди, — биласанми, ким ҳақидагисини ўқиб бергин, ойижонинг ҳақидагини, хўпми?

Наргиз дадасига эркаланиб деди:

— Менчи, адажон, сиз ҳақингиздаги шеърни ўқиб бераман.

Қизчалар қийиниб ҳам бўлишган эди, эшик очилди ва исқидан бўғриқиб кетган Юлдузхон кўринди.

— Ур-ре, ойим келдилар! Ур-ре!

Юлдузхон қўлидаги нарсаларни Нодирга бериб, болаларини бағрига босди. Юз-кўлларидан ўпиб, ҳижолатомуз эрига қаради.

— Кечикдимми, юрагим ҳовлиққанини айтмайсизми?

— Муҳокама дуруст ўтдими?

— Роса чўзилиб кетди ўзнам. Лекин яхши фикрлар айтишди.

Нодирнинг юрагида онда-сонда гимирлаб турган ғашлик бирдан йўқолди. «Ҳайрият, диссертациясининг муҳокамаси яхши ўтибди. Шунча меҳнатлари зое кетмабди».

Нодир дарров ошнинг гуручини солиб юборди. Ҳа-ҳу дегунча дамладиям. Лекин миясида хотинининг бугунги ютуги ҳамон ҳукмрон эди. Ахир шу Юлдузхон-да бутун оила, уй-жой, бордди-келдининг оғирлигини ўзига олган? Шу Юлдузхонда. Москвадек шаҳри азимда ўқишита, кандидатликни ёқлашига ёрдам берган. Шу хотини-да сув келса симириб, тош келса кемирган. Мана энди... эрни тинчитиб, хотиржам бўлиб, ўзи ҳам илм кетидан қувяпти. Аҳлидроқи, иродаси етяпти бу ишларга. Буни қаранг-а. Ҳаммасига улгуради: меҳмон кутишга ҳам вақт топади, қайн-бўйнининг кўнглини олишга ҳам. Маҳалла-кўйдан четда қолмайди. Ўзи чиқмаган, чиқа олмаган тақдирда йўқлатиб қўяди. Вақти келса, эрни ҳам йўлга солади. Лозим бўлганда баъзи бир жувонларга ўхшаб мингир-мингир қилиб ўтирмайди: «Адажонисн, бундай қилсангиз яхши бўлармиди?» деб фикрини ҳамиздан қил сўгургандек айтади-қўяди. Эр ҳам ўйлаб қараса, хотинининг гапи тўғри. Шунинг учун ҳам маслаҳатига кўнади...

— Адажонисн, чарчаб кетгандирсиз? — деди у бир пасда ювиниб кийим алмаштириб чиққач.

— Йўқе, — дея Нодиржон шкафдан лаганни олмоқчи эди, Юлдузхон тўхтатди.

— Энди сиз дам олинг. Навбат менга, — деди ял-ял ёниб.

Нодир Юлдузни кўрди-ю, ғалати бўлиб кетди. Қаршисида гўё янаям сарқомат, битта қилиб ўрилиб орқасига ташлаган тимқора сочи ҳам ярашган, лабидаги ниматитир қизили ҳам, кўзларини шаҳло қилиб турган сурма ҳам, атлас кўйлаги ҳам ярашиб тушган келинчак турарди гўё. У ниҳоятда файзли, ниҳоятда ёқимтой эди. Нодир нимадир демоқчи бўлди-ю, рости гап тополмай қолди. Кейин чувиллашиб кириб келган қизларини олиб, залга чиқди. Юлдузхон шундай одам билан яшаётганидан гоят шод эди.

Ош сузилди. Иштаҳа билан еёлди. Қизлар декламация ўқиб беришди. Уйинга тушишди. Улар ота-оналарини ҳам рақсга тортишди. Роса қулишиб, қувнашиб туришган эди, эшик қўнғироғи жиринглади. Нодир бориб очди. Қаршисида ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги икки қўшниси турарди. Улар ширакайф эди.

— Ассаломалайкум, — деди бевақт қадам ранжида қилганларидан ҳайрон бўлиб.

— Бу... уйингизда тўйми, биз ҳам қуруқ қолмайлик деб кириб келавердик.

— Марҳамат, — Нодир дейишга дедию, уларнинг бемалол ичкарига кирганларидан кўнгли озор топди. Ширингина ўтириш тўхтади. Юлдузхон салом бериб сўрашди-да, болаларни бошқа хонага олиб чиқиб, тинчлантирди. Қайтиб чиқиб, стол устидаги ҳамма нарсаларни йиғиштириб олиб, бошқатдан дастурхон ёзди. Лекин улар қандай тушунади деб ўзи ўтирмади. Йўқ. меҳмонларнинг бири чақириб қўймади.

— Келинойи, тортинмай ўтираверинг, қўй кўрмаган бўлсак ҳам қий кўрганлардамиз.

Юлдузхон, олинглар дер. Нодир у-бу гапирар, лекин барибир гап сира қовушмасди. Меҳмонлар ошдан чўқилашди-ю, кўпам еёлмади.

— Бу, Нодиржон, яхши кун экан бугун, (Улар ҳозиргина оила қувончнинг сабабини билиб олишганди), ювамиз.

Нодир ҳижолат тортиб кетди. Аксига олиб... Чиқиб келсамикин? У Юлдузхонга кўз қири билан белги берган эди, у қўяверинг, дегандек қилди.

— Бу-а, келинойи... ювмайсизларми?

— Бошқа сафар ювармиз, ҳозир ошдан олинглар.

Юлдузхон ўзини ноқулай сезиб, чойни баҳона қилиб чиқиб кетди.

... Маҳаллада шу икки йигит кўпчиликдан ажралиб туришарди, ишдан келиб, маҳаллада «иккинчи ишни бошлайдиганлар» шулар эди. Кўп қаватли бино ҳовлисига қўйилган каравотда ўтириб олиб, юқори қаватдаги хотинларига бақирадиган: «Ҳой, картани ташлаб юбор», «Шахматни бериб юбор», «Ҳой, чой дамлаб туш, ош пиширдими?» дейдиганлар шулар эди. Атрофларига бирин-сирин ўртоқлар йиғиб давраларини кенгайтириб олган ҳам шулар эди. (Лекин бу кичик давра одамлари тез-тез ўзгариб турарди). Ўзлари «эримай» истаган баҳона билан бошқаларни «эритишга» уқувлари етган ҳам шулар эди. Бу оилага «бостириб» киришга журъат этган ҳам шулар. Атрофларида муқим ошна-оғайнилари йўқлар ҳам шулар эди. Маҳаллада кимларни тузоқларига илинтиришмади. Илинганларнинг бири «бор бут-шудидан айрилаётганини сезиб» ундан четлашса, бошқаси «вақти оқар сувдай оқиб кетаётганини» ҳис қилиб ўзини тортарди. Иккиёйигит яна янги ўлжа ахтаришарди. Уларнинг янги мўлжаллари Нодир... Улар ҳамма нарсага кўникишади-ю, аммо Нодирнинг деярли тенгдошлари бўлатуриб, қўшилмаганига кўникиша олмайди. Айниқса, эр-хотин бежиримгина кийиниб, болаларини олдиларига солиб кетишаётганда ичи газаб, қўролмаслик тутёғи қўтаради. «Хотинпараст» деб пичирлашиб қолишади.

Икки оғайни бир-бирларига қараб олишди-да, секин қўзғалишди.

— Майли энди, эртага ювармиз.

Нодир одамлар ўртасида бўлиб турадиган ҳазил-мутойиба деб ўйлади-да:

—Хўп-хўп, бош устига,—деди.

Шундай деб бекор айтган экан. Эртасига икки ўртоқ унинг кўзини очиришмади. Ишдигига ҳам пастдан туриб «Нодир»лаб чақиришди. Нодир тушмаса, ботадиган пичинглар қилишди, тушса, яна баттарисини. Ҳатто бири: «Ингитмисиз ўзи? Белбоғни ечинг-э, яримтага кучингиз етмаса»,— деди. Шундан кейин у болаларининг устидан қулфлаб магазинга чиқиб келди... Шу кеча у уйга ярим кечада ширакайф кирди. Юлдузхон кулди-ю, индамади. Эртасига, индингиаям. Лекин қараса Нодири, ҳа-ҳа, шу ишонган Нодирида қизиқ қалқиш бўлянти. Ҳатто учинчи кечада Нодир билган мақоллар ёнига яна бир мақол қўшилганини сезди: «Хотин уй учун, эр кўча учун яратилган». Ҳа, майли, кайф устида одамлар нима демайди...

... Бора-бора кўчага тушиб, улар билан бирга ўтирадиган, карта ўйнайдиган бўлди. Бора-бора қўйганларини ичадиган, ўзи ҳам қўйиб берадиган бўлди. Бу ўша «ўзини билмаган йигит» шаънига айтилган қандайдир сирли сўз туфайли эди.

Юлдузхон эрида тўсатдан юз берган бу ўзгаришга аввалига тушунолмай юрди. У: «Майли, анча-муча биз билан ўралашиб қолдилар, дам ҳам олишлари керакда», деб ўйлади. Қўйиб берди. Қараса, иш бошқа томонга қараб оғиб кетяпти. Шунча яшаб, эрининг бундай «чапани йигитлар» олдида бирпасда чекинишини билмаган эди. Ҳатто ҳаёлига келтирмаган ҳам эди.

Мана бугун Нодиржоннинг оғзидан яна гуркираб ичкилик ҳиди келиб турибди. Энди Юлдузхон ҳам чидай олмади. Қараб туриб, арзимаган ойлар ичида, туппа-тузук эри қўлдан чиқиб кетаётганига ачинди. Уни асраб қолиши керак. Қизлари ҳам оталарининг бу янги одатига кўникиша олмади. Ўрганишмаган.

— Нодир ака, энди шу пастдаги жўраларингиз олдига тушмасантиз бўлармиди. Анча ўзгариб қоляпсиз.

— Ениғизда бўлишимга хўп ўргангансиз-да-а?

—Гап ундамаску-я...

—Мен билан ишингиз бўлмасин.

—Нега энди?..

—Мен... сени деб... сал қолган экан рўмол ўрашимга.

—Бундай бачкана гапнинг нима кераги бор!

Нодир нимадир деб столга бир мушт туширган эди, ётоқхонадан Дилбарнинг йиғиси келди. Ҳатто Наргизаям уйғониб кетди. Юлдузхон югуриб кириб, Дилбарни оббоди. Наргиза эса ётишга кўнмай, жовларди.

— Уришманглар, қўрқиб кетяпман!

Юлдузхон тунги гапнинг бефойдалиги ва болаларини безовта қилишини ўйлаб бошқа индамади. Лекин эртасига тушунтиришга уринди. Эри индамай тингладию, кечқурун бўлгач яна каравотдагилар чақиришавергач, тушиб кетди... «Кўнгилнинг бўшлиги, кишининг соддалиги одамни баъзан алдаб қўяркан»,— деди Юлдузхон ва яна хафа бўлиб кетди. Нима қилсайкин? Нима қилиб уни «мадда бойлатмай» қайтариб олсайкин?.. Кимни ўртага қўйсайкин? Ўғ-е, бировни аралаштириб нима қиладди. Ўзи-чи? Ўзининг кучи, иродаси ҳали ҳам етса керак. Нодир асли яхши йигит, беозор, хушфеъл. Шу туфайли анови «йигит»ларнинг кўнглига озор бермай, уч-тўрт тангани аямай, деб домига тушиб қолди... Тавба, шу икки йигитни йўлга солишга бутун бошли маҳалланинг, кексалар-у, оқил кишиларнинг кучи етмаса?..

Нодир ҳар куни пастга тушарди. Аммо ҳар тушганида у оиласидаги тинчликни ўзи билан бирга пастга олиб тушиб кетаётганини билмас эди, ҳар гал тушганида оиласидаги муқаддас нарса — тотувликни олиб тушиб кетаётганлигини билмас эди. Оталик, ҳақиқий эрлик шаънини сезиб-сезмай ерга ураётганини билмас эди. Арзимаган бир неча ой ичида болалари ва Юлдузхон қалбида пайдо бўлган безовталикни сезмас, сезган тақдирда ҳам тан олишни эп кўрмас эди. «Хўп юрган экан-да хотинга чўри бўлиб» деб ўзини-ўзи хотиржам қиларди. Баъзан, «бу вақтинча шеклли», деб ҳам кўярди ўзига-ўзи...

Юлдузхон оталари орқасидан жовдираб қолган болаларини отлантирди-да, айлантириб келиш учун пастга тушди. Уйлар орасидан ўтиб, катта кўчага чиқишмоқчи эди, олдиларидан юнглари ҳурпайган, семизгина қоп-қора мушук ўтиб қолди. Юлдузхоннинг юраги шиғиллаб кетди. Бирдан Юлдузхоннинг кўз ўнгида биринчи бор уйидан Нодирни олиб чиқиб кетган икки йигит пайдо бўлгандай бўлди, улар яна йўқолди, яна мушук кўринди... Яна улар. Ҳа-ҳа, улар худди шу қора мушукдек гап. Кимнинг олдини кесиб ўтсалар, хатар юз берадигандек кишилар огоҳ тортадилар. Ажаб эмас, Нодир ҳам огоҳ тортса. ... Қаранг, ааиз одамлар, сизнинг маҳалларингиздаям қора мушук кўринянти. У писиб-тина сизнинг уйингизни мўлжалга олянти. Оилангиздаги энг сарҳил нарсага кўз олайтирянти. Уни сизга сездирмай илғ қочмоқчи. Бу — онланга тинчлик, тотувлик!

Эҳтиёт бўлинг, ана, кўзларини ёндириб қора мушук ўтиб борянти. Пишт!!!

Яйра САЪДУЛЛАЕВА.



Тошкент Давлат оперетта театрида «Ажойиб доира» музикали эртагининг премьераси бўлди. Спектакл га музикани Узбекистон Композиторлар союзининг раиси, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати композитор Э. Солиҳов басталаган. Спектаклни Ленинград Давлат консерваторияси-нинг битирувчиси режиссёр А. В. Избицер саҳналаштирди.

СУРАТДА: спектаклдан бир кўриниш.

А. Усмонов ва Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

КЎП НУСХАДА НАШР ЭТИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ленинград область партия комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов нутқлари ва мақолалари тўплами босмадан чиқди. Бу китобда партиянинг XXIV ва XXV съездлари, КПСС Марказий Комитети пленумларининг қарорларини бажариш соҳасида область партия ташкилотининг фаолияти кўрсатилади. Тўпламда КПСС ички ва ташқи сиёсатининг муҳим проблемалари, шу проблемани амалга ошириш соҳасида Ленинград шаҳри ва области коммунистларининг кўп қиррали фаолияти кенг акс эттирилган.

Тўпламни «Сиёсий адабиёт» нашриёти чоп этди.

(ТАСС).

Ҳаракат хавфсизлиги учун

Шошилманг, йўловчи...

Троллейбус бекатга келиб тўхтади, пиёдалар ўтадиган йўл олисроқда экан, мен кўчани тўплаб-тўғри кесиб ўта бошладим. Шошилганимдан чап томонга қарамадим (троллейбус номерига қарадим холос) ва бир неча метр югурганимдан сўнг орқамда «гийк» этиб берилган тормозни ва «гурс» этиб урилган овозни эшитдим. Қизил рангли «Москвич» мени босиб кетмеслиги учун рулни ўнг томонга кескин буриб, бориб дарахтга урилган эди. Мен бир дақиқа унга боқдим-у, йўлимда давом этдим, трамвайга чап бериб ўтдим, фақат ранги қув ўчган ҳайдовчиниг-инга бир зум кўра олдим. Мен белгиланган жойимга етай деб қолган эдим.

— Ногаҳон қаердандир олдимда юк машинаси пайдо бўлди, мени қаноти билан уриб юборди ва энди жилган троллейбус ғилдираги тагига йиқилиб тушдим...

Қўрқманг: аслида бу даҳшатли тасодиф содир бўлган эмас. Лекин у ҳар бир аснода бўлиши мумкин. Йўқ, мен билан эмас, Ҳадра майдонида тротуарда туриб кузатганим — кўп сонли пиёдалардан бири билан шундай бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бу ерда автобус, трамвай, троллейбус бекатларига ошиқаётган бесаранжом кишиларнинг кети узилмайди. Улар мажбурий транспортга йўл берадилар. Бирлари светофор сигналини кутмай машиналар орасидан оралаб ўтиб кетади. Бошқа бирларининг эса, хатто пиёдалар ўтиш жойига боришга ҳам вақтлари етишмайди — улар кўчани тўғрисига кесиб ўтадилар, қандайдир тасодиф билан узлуксиз келаётган машиналар оқими орасидан нариги томонга ўтиб олишади. Мен ана шу бесаранжом кишилар ҳаракатига маҳлиё бўлиб турар эканман, ишқилиб биронтаси ҳам йўлидан адашмаса, автомобиль тормози шоферга панд бериб қўймаса дейман, ўз-ўзимга. Акс ҳолда юқорида ифода этганим тасодиф ҳар бир киши билан бўлиши мумкин.

Пиёда — худди шофёрлар каби йўл ҳаракати қатнашчиси ҳисобланади. У ҳам худди транспорт воситаси-ни тақрорламаслик учун бошқарувчи шахс каби йўл қоидаларига сўзсиз итоат этиши керак. Лекин, статистиканинг маълумотига кўра ҳали пиёдалар бу қоидага кемдан-кам ҳолларда риоя қилмоқдалар. Мана Давлат автоинспекциясининг маълумоти: шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида Тошкент шаҳрида автотранспорт томонидан 340 пиёда шикастланган. Жумладан, 230 тасида пиёдаларнинг ўзлари айбдорлар, булардан 30 киши энди ўз айбини ҳеч қачон била олмайди...

Йўл ҳаракати қатнашчиларининг ана шу тақдири ўртасида шикастланишни камайтириш, йўлда пиёдалар қатнови маданиятини ошириш мақсадида Тошкент шаҳар Давлат автоинспекцияси томонидан шаҳримизда 10 июндан 30 июнгача «Пиёда» операциясини ўтказишга қарор қилинган.

Биз Давлат автоинспекцияси бўлимининг катта инструктори Л. Оффенгенден билан биргаликда Навоий кўчасига, пиёдалар ўтадиган жойдан сал нарироққа чиқиб турдик. Қизил чироқ ёнишига қарамай, транспортлар оралаб бекат томон ўнлаб пиёдалар югуриб қолишди. Ҳамроҳим— инструктор милиция киймида бўлишига мутлақо эътибор бермай, шундай ёнгинамиздан бир киши кўчанинг қатнов қисмини кесиб ўтиб келмоқда. Уни тўхтатиб: қаерга шошиляпсиз, деб сўрадик.

«Ташкенттрансгаз» хизматчиси О. Нафиқов ўйламай-нетмай:

— «Мен ҳар куни шу жойдан ўтаман. Менга шу жой қулай», —дейди.

— Йигирма одим нарида пиёдалар ўтиши учун махсус жой ажратиб қўйилган-ку?

Суҳбатдошимиз елкасини қисиб, ишончли равишда яна:

— «Шуниси қулай» деб такрорлайди.

«Узбекохотрибс о ю з» ходимаси И. Ғаниева кўчани кесиб ўтса биз уни тўхташимизни кўра била туриб, биз томон келаверди. «Вақт зиқ, трамвай эса жойидан жилянти...»

196-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Х. Нажимов кўчадан доимо машиналар оралаб ўтишини айтди ва энди бунинг ҳеч қачон бўлмаслиги учун сўз берди. Биз унинг сўзига ишондик. Чунки у билан суҳбатлашар эканмиз, июнь кунларида бўлган бир воқеа ёдимизга тушди: 5 июнь куни Тошкентда тўққиз кишини машина босиб кетди, булардан олтитаси — болалар эди. Шу куни автомобиль ғилдираги остида олти ёшли қизалоқ ҳам ҳалок бўлди.

Биз Тошкент «Сувенир» фабрикасининг ишчиси, беш ёшли ўғлчасининг кўлидан етаклаб кўчани пиёдалар учун мўлжалланмаган жойидан кесиб ўтаётган Г. Тошмуҳамедова-га шу ҳақда айтмоқчи бўлган эдик.

У:—Менинг вақтим йўқ, бозорга шошяпман...—деди-ю трамвай томон югуриб кетди.

«Пиёда» операциясида маъмурий чора кўриш кўзда тутилган бўлса-да, биз ҳеч кимга жарима солганимиз йўқ. Чунки бу операциянинг асосий мақсади — кишилар ўртасида тушунтириш ва тарбиявий ишларни олиб бориш-дан иборатдир. Давлат автоинспекциясининг ўнлаб ходимлари ва уларнинг кўнгилли ёрдамчилари — жамоатчи инспекторлар шу кунларда шаҳримиз кўчаларига пиёдаларни ўзларининг қаттиқ чалинган ҳуштак товушлари билан кўрқитиш, «насиҳат қилиш» ёки жарима солиш учун эмас, балки тушунтириш ишларини олиб бориш учун чиқишган. Улар бизга йўл ҳаракатининг оддий ва асосий қонуни — кўчани фақат белгиланган жойдан кесиб ўтишни ўргатмоқдалар. Халқимизнинг кўза кунда синмайди, деган нақлига амал қилиш керак.

Мен Давлат автоинспекциясининг кўк-сариқ рангли «Жигули» автомобилига ўтириб эндигина редакцияга қайтмоқчи бўлиб турган ҳам эдимки, автомобилдаги доимий ишлаб турган рация шундай хабар қилди: Б. Хмельницкий ва Ш. Руставели кўчалари кесишган жойда аёл киши машина уриб юборди. Кўчани кесиб ўтмоқчи бўлган эди...

Мен бу чорраҳани кўз ўнгимга келтирдим: Чорраҳадаги ер ости йўлидан бемалол хавф-хатарсиз ўтиш мумкин эди-ку? деб ўйладим...

А. ТЮРИКОВ.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. ЖОНУЗОҚОВ: Мени иш куни мобайнида ишчиларга қандай танаффуслар берилиши тўғрисидаги маълумот қизиқтиради.

Жавоб: Иш куни мобайнида ишчи ва хизматчиларга уларнинг дам олиши ва овқатланиши учун танаффуслар берилади. Бундай танаффусларнинг муддати икки соатдан ошмаслиги лозим. Ана шу танаффуслар пайтида меҳнаткашлар ўз истак ва ҳоҳишларига кўра иш жойларидан бошқа ерда ҳам бўлишлари мумкин. Ана шу сабабли бундай танаффуслар иш вақтига қўшилмайди ва унга ҳақ тўланмайди. Бу нарса ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Меҳнат тўғрисидаги қонун Асосларининг 29-моддасида кўзда тутилган. Ишлаб чиқариш шароитига мувофиқ ишчиларга танаффус бериш мумкин бўлмаган иш жойларида ходимга иш вақти мобайнида овқатланиб олиши учун имконият яратиб берилиши керак. Ана шундай ишларнинг тури, тартиби ва ходимнинг овқатланиб оладиган жойини маъмурий касаба союз ташкилоти билан келишган ҳолда белгилайди. Агар дам олиш кунлари арафасида бажариладиган ишларнинг давомийлиги олти соатдан ошмаса, бундай ишлар фабрика-завод маҳаллий комитети билан келишилган ҳолда тушликка чиқмаган ҳолда бажарилиши мумкин.

Иш куни мобайнида бошқа танаффуслар ҳам берилиши мумкин. Бундай танаффуслар юқорида санаб ўтилган танаффуслардан фарқли ўлароқ уларга иш ҳақи тўланади ва бундай танаффуслар иш вақтига қўшилади. Бундай танаффусларга аёлларга боласини эмизиш учун бериладиган танаффуслар, йилнинг совуқ пайтларида очиқ ҳавода ишлаётган ишчиларнинг исиниб олишлари учун бериладиган танаффуслар ва юк ортувчилар учун белгиланган махсус танаффуслар киради.

Иш процесси мобайнида техника хавфсизлиги қоидалари билан боғлиқ, жумладан соғлиқ учун зарарли бўлган айрим иш жойларида ҳам танаффуслар берилади. Бундан ташқари махсус цехларда ишлаётган инвалидлар учун қўшимча отпускалар бериш ҳам кўзда тутилган.

* * *

Р. ШЕРБУТАЕВ: Эшитишимча ўтмишнинг жуда кўпгина буюк кишилари спорт билан шуғулланишган экан. Шу тўғрими?

Жавоб: Ҳа, чиндан ҳам шундай бўлган. Тарихдан маълумки, Аристотель, Демосфен, Платон, Юлий Цезарлар брусьяда ва турникда жуда яхши машқ қилишган. Масалан, Платон гўзаллик ва сиҳат-саломатликни сақлаш учун бутун умр мобайнида гимнастик машқлар билан мунтазам шуғулланиб бориш жуда ҳам зарур эканлигини таъкидлаган. Бундан ташқари ўтмишнинг буюк кишилари мусобақаларда ҳам қатнашишган. Масалан, тарихчи Геродот, философ Суқрот, нотиқ Демосфен, ёзувчи Лукиан, математик Пифагорлар Олимпиада ўйинларида иштирок этишган.

* * *

Ж. ҚАДАМОВ: Спортнинг самбо тури билан шуғулланмоқчи эдим. Шу хусусда қаерга мурожаат қилсам бўлади?

Жавоб: Спортнинг самбо тури билан шуғулланмоқчи бўлсангиз Сергели районида махсус спорт мактаби бор. Лекин у ерга мурожаат қилишдан олдин Сиз ўзингизнинг соғлиғингизни текширтиришингиз, бу ҳақда врачларнинг медицина хулосасига эга бўлишингиз керак.

ОТА-ОНА ҒУРУРИ

Инсон ҳамиша неве эзгу ниятлар, орзу-ҳаваслар оғушида бўлади. Қанчадан-қанча яхши ниятлар инсоннинг ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишга ундайди. Гўзал онла қуриш, ўзига монанд тенги билан тинч-тотув яшаш ва шу тариқа ширин ҳаёт кечириш, ҳаётимиз давомчиси — яхши фарзандлар кўриш ва вояга етказиш ўша орзуларнинг калитидир. Қайси ота-она, фалончининг ўғил-қизлари одобли, ахлоқли чиқипти деб мақтаса, шундай фарзандларни камолга етказгани учун эл-юрт олқишласа ким хурсанд бўлмайди дейсиз.

Дарҳақиқат, эл-юртдан олқиш олишнинг ўзи бўлмайди. Бу йўлда қанчадан-қанча ширин ташвиш ва ўйлар, изтиробу-машақ қ а т лар, қийинчиликлар бўлмаган дейсиз. Ҳа, улар сабр-тоқат ва бардош билан енгиб ўтилади.

Ҳамма ҳам ота-она бўлишдек улуғвор бахтга муяссар бўлиши мумкин. Лекин бу ота-оналик бахтини асраш, шараф билан адо этиш, фарзандни оёққа турғазиб ҳаёт бўсағасигача кўтариш ота-онадан катта масъулият талаб қилади. Бу ўринда ота-оналик масъулиятини тушуниб етиш, ирода, ақл-фаросат билан иш тутиш лозим бўлади.

Ота-оналик бурчини тўғри тушуниб олган кишилар ўз ҳаёт тажрибаларидан хулоса чиқариб, фарзандларига хоҳ ўғилдир, хоҳ қиздир меҳр-оқибатли, шафқатли бўлишни, вафо-садоқатни сингдиради.

«Камолон» мақаласида истиқомат қилувчи Носир ота Аҳмедов билан Мукамбар аялар хонадонига қадам ранжида қилган кишининг баҳри-дили очилади. Бу хонадондагилар эшикдан кириб келган меҳмон ҳузурига пешвоз чиқиб, очиқ чеҳра билан кутиб олишади. Бу хонадонда беш фарзанд вояга етиб улгайди. Катталари қизлар бўлганидан уларни ўрта ва олий маълумотли қилиб узатишди. Қизлар ҳам, ўғиллар ҳам мўмин, қобил. Қизлар келин бўлиб борган хонадонлар улардан беҳад хурсанд. Оёғидан ўт чақнайди, покиза. Қайн-бўйинларга, қариндош-уруғларга ширин-сухан. Узоқ-яқин қариндош-уруғлар, қўни-қўшниларда: «Визларнинг ҳам болаларимиз Сизларнинг ўғил-қизларингизга ўхшасин» дегувчилар анчамунча.

Уйли-жойли бўлиб кетган опа-сингиллар бир-бирлари билан иноқ, меҳрибон. Олдиндан келишиб олишгандай ҳар ўн беш кунда жамулжам бўлиб ота-оналарини кўргани келишади. Ака-ука бир-бирларига жуда меҳрибон. Бир-бирларига ғамхўр. Ҳар қандай катта-кичик иш бу хонадонда бамаслаҳат бажарилади. Рўзгорнинг бут бўлишидан доимо хабардор туришади. Байрам куналридами ёки махсус чақирилган меҳмондорчилик куналридами қизлар эрлари ва болалари билан келишгудек бўлишса, Носир ота ва Мукамбар аянинг уйларида тўй бўлаётгандай. Шундай пайтларда хонадоннинг кўрки бўлган кексалар ўзлари экиб ардоқлаган меванинг лаззатини ҳузур қилиб тотигандай бўладилар. Уларга ҳавас қилса арзийди, одамийликни шулардан ўрганса арзийди.

Аҳмад НОСИР.

Саратовда Олимпиада—80 маданий программаси учун истиқболли... айиқлар командасининг томошалари тайёрланмоқда. Томошабинларнинг шодлигига айиқполвонлар шаҳар цирки арена-сида «кўникма» ҳосил қилишяпти, футбол ўйнашяпти, турли гимнастика машқларини бажармоқдалар.

СУРАТДА: боксчи айиқполвонлар.

ТАСС фотохроникаси.

• *«Пахтакор»нинг рақиблари*

«Қайрат» (Олмаота)

СССР чемпионати 1980

БУГУН

Марказий «Пахтакор» стадионида футбол бўйича мамлакат биринчилигининг олий лигасида қатнашаётган «Пахтакор» ва Олмаотанинг «Қайрат» командалари навбатдаги тур учрашувини ўтказади.

«Пахтакор»нинг рақиби бўлган бу команда 1954 йилда ташкил қилинган. Ўшанда у «Локомотив» номи билан юритилар эди. Қозоғистондаги энг кучли футбол коллективи бўлган бу команда 1956 йилдан бошлаб «Қайрат» номи билан юритила боилаган. 1960 йилда у олий лигада қатнашувчи командалар составига киритилди. Ўшандан буён қардош республиканинг бу футбол командаси мамлакатимиздаги энг кучли командалар қаторида беллашувларда қатнашиб келмоқда. Тўғри, у 1965, 1970, 1975, 1976 йилда биринчи лигада қатнашишга мажбур бўлган.

Олмаоталик темирйўлчилар мамлакат биринчилигининг олий лигасида икки марта саккизинчи ўринни эгаллашган. Бу коллектив учун энг юксак натижа ҳисобланади. «Қайрат» 1963 йилда СССР Кубогининг финал беллашувида қатнашган.

Темирйўлчилар олий лигада қатнашган йилларда йирик ҳисобда ғалаба нашидасини сурган вақтлар ҳам бўлган. Жумладан, улар 1974 йилда Тбилиси шаҳрининг «Динамо» командаси футболчиларини 5:0 ҳисобида маглубиятга учратишган. 1964 йилда СССР Кубоги учун Воронеж шаҳрининг «Труд» командаси билан бўлган учрашувда 3:0 ҳисобида ғалаба эришганлар.

Айни пайтда «Қайрат» йирик ҳисобда маглубиятга учраган пайтлар ҳам бўлган. 1961 йилда Донецк шаҳрининг «Шахтёр» командаси билан мамлакат биринчилиги учун ўтказилган учрашувда 0:6 ҳисобида енгилган. 1969 йилда эса Саратов шаҳрининг «Сокол» командаси билан мамлакат Кубоги учун ўтказилган учрашувда 0:5 ҳисобида маглубиятга учраган.

1971 йилда «Қайрат» халқаро темирйўлчилар спорт союзининг Кубогини қўлга киритган. 1966 йилда Боку шаҳрининг «Нефтчи» командаси билан бирга «Ғалаба»га бўлган ишончи учун» совғини билан тақдирланган. С. Каминский клубнинг энг кўп ўчрашув ўтказган ўйинчиси ҳисобланади. У 243 марта «Қайрат» кийимида майдонга тушган. С. Квочкин эса командаларнинг энг мерган ҳужумчиси ҳисобланади. У рақибларнинг дарвозасига 61 марта тўп киритган. 1961 йилги мавсумда эса рақибларнинг дарвозасини 15 марта нишонга олган.

Команда ўйинчиларидан Олег Долматов ва Сеилда Байшаков мамлакат терма командаси составида ўйинларда иштирок этган.

«Пахтакор» ва қардош республиканинг энг кучли клуби ўртасидаги учрашув ҳамиша қизиқарли ўтади. Буни аввалги беллашувлар натижасидан ҳам билиб олса бўлади. Командалар шу мавсумга қадар 28 марта майдонда куч синашишган. Бу учрашувларнинг 10 тасида пахтакорчилар, 10 тасида темирйўлчилар ғолиб чиқишган. 8 учрашув эса дуранг натижа билан якунланган. Дарвозани нишонга олишда эса ҳамшаҳарларимиз н и н г бироз устунлиги бор. Улар темирйўлчилар дарвозасига 38 марта тўп киритиб, ўз дарвозаларидан 34 марта тўп ўтказиб юборишган.

Ҳозир бу командаларнинг турнир жадвалида эгаллаган мавқелари бир хил эмас. Олмаоталик темирйўлчилар кейинги учрашувларни ҳужумкорлик руҳида ўтказганликлари туфайли кучли ўнликдан жой олишга муваффақ бўлишди. Уларнинг активида 14 очко бор. Ҳамшаҳарларимиз эса кейинги учрашувларни ниҳоятда бўш ўтказишмоқда. Шу боисдан ҳам улар ҳозир турнир жадвалининг 14-погонасини эгаллаб туришибди.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ

3 Тошкент бет. ОКШОМИ

26 ИЮНЬ, 1980 Ж.

КИНО

26 ИЮНДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЎЗИНГДА СИНАБ КЎР»— **Фестиваль.**

«ЎЛУҒ ОКТЯБРЬ ВА ПОЛЯКЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ЕЛЕНА ОБРАЗЦОВА ҚУЙЛАЙДИ— **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ»—**Нукус** (18.30, 21.00, телефон 46-70-69), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (18.30, 21.00, телефон 53-65-87), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (18.30, 20.30, телефон 33-44-52), **Навоий номли** (17, 20.00, телефон 44-30-41), **Санъат саройи** (18.45, телефон 44-39-51), **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00, телефон 35-29-93),

«АВЛИЕ, ОЛТИН ВА ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛАР»— **Дружба** (17, 19, 21.00, телефон 66-15-75).

«ШОҲ СТАХНИНГ ШАФҚАТСИЗ ОВИ»— **Искра** (17, 19.45).

27 ИЮНДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ДЕСНА ЎЛКАСИ»—**Тинчлик.**

«АРСЕНАЛ ЧЕГАРАСИ»—**Дружба.**

«ЎЗИНГДА СИНАБ КЎР»— **Фестиваль.**

«ВАТАНИМИЗНИНГ ШАРҚИЙ ЧЕГАРАСИ»—**ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

«ЎЛУҒ ОКТЯБРЬ ВА ПОЛЯКЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ЕЛЕНА ОБРАЗЦОВА ҚУЙЛАЙДИ— **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

«ИШИ БИЛАН СЎЗИ БИР» — **Нукус.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ»— **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 46-70-69), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 53-65-87), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.30, телефон 33-44-52), **Навоий номли** (11, 14, 17, 20.00, телефон 44-30-41), **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.45, телефон 44-39-51), **Қозоғистон** (11, 12, 14.30, 15, 17, 18, 20, 21.00, телефон 35-29-93),

«АВЛИЕ, ОЛТИН ВА ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛАР»— **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07), **Дружба** (17, 19, 21.00, телефон 66-15-75), **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-30-08).

«ШОҲ СТАХНИНГ ШАФҚАТСИЗ ОВИ»— **Искра** (17, 19.45).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

26 ИЮНЬ СОАТ 19.30 ДА

СССР биринчилиги учун олий лиганинг

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ҚАЙРАТ» (Олмаота)

командалари ўртасида

Ф У Т Б О Л

ИРКУТСК МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯ ТЕАТРИГА **30 ИЮНЬ—31 ИЮЛЬ КУНЛАРИ**

гастроль кунларида артистларнинг яшаши учун

КВАРТИРАЛАР КЕРАК

Таклиф билан 33-81-65 телефон номерига ёки М. Горький номли театр маъмуриятига мурожаат қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГЎШТ ВА СУТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИГА

катта ревизорлар ва иқтисодчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона —аҳолини ишга жойлаштириш бюроси.

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНЛАРИ

ЧОПҚИР ОТЛАР ПОЙГАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Отчопарда: тотализатор, буфет, аттракцион, от прокати ишлайди.

Метронинг «Собир Раҳимов» станциясидан автобуслар қатнайди.

ҲАВАСКОР АСАЛАРИЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

КЕЛЕС РАЙОН МАТЛУБОТ СОЮЗИНИНГ ТАЙЁРЛОВ КОНТОРАСИ

ҳаваскор асаларичилардан асалари асалини қабул қилиш бўйича

ШАРТНОМА ТУЗАДИ

Бу ҳолда район матлубот союзи мижозларни идиш (фляга) ва транспорт билан таъминлайди. Аъло навли асал топширувчи шахсларга пул аванси олишлари ҳамда ноёб моллар (мебель, гилам ёки гилам поёндоз) учун буюртма беришлари мумкин.

Мурожаат учун адрес: Чимкент область, Келес райони матлубот союзининг тайёрлов конторасы, Абай қишлоғи.

Узбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ТОШКЕНТ МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКУМИ

1980—1981 йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Меҳмонхона хўжалиги, идора ишларини юритиш.

Ўқиш фақат кундузи, ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш муддати меҳмонхона хўжалиги бўлимида: ўрта мактаб базасида—2 йилу 6 ой; идора ишларини юритиш бўлимида: ўрта мактаб базасида—1 йилу 10 ой, 8 йиллик мактаб базасида—2 йилу 10 ой;

ТЕХНИКУМГА 30 ЕШГАЧА БЎЛГАН СССР ГРАЖДАНЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги фанлар бўйича кириш имтиҳонларини топширадилар: 8 йиллик мактаб базасида: **она тили** (рус тили)**дан диктант; математикадан** (оғзаки); ўрта мактаб базасида **она тили** (рус тили) **ва адабиётдан иншо, СССР тарихидан** (оғзаки).

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Ҳужжатлар 8 йиллик мактаб базасидаги группаларга 31 июлгача; ўрта мактаб базасидаги группаларга 15 августгача қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: техникум директори номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), соғлиғи ҳақида справка (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, 2 йил меҳнат стажига эга бўлганлар, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (кадрлар бўлими ёки идора, муассаса раҳбари томонидан тасдиқланган), колхозчилар учун колхоз меҳнат дафтарчасидан кўчирма, паспорт, ҳарбий билет ёки гувоҳнома (ҳарбий хизматга алоқадорлар учун) шахсан кўрсатилади.

Техникумга қабул қилинганлар умумий тарзда стипендия билан таъминланади.

Техникумга кирганлар ётоқхона билан таъминланмайди.

Техникум адреси: 700102, Тошкент шаҳар, Сергели район, 10-квартал, 63-уй.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ

ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

1980—1981 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

СИЗНИНГ ОЛДИНГИЗДА ҲОЗИР «ҚАЙСИ ЙЎЛНИ ТАНЛАЙ?», «ҚАЕРГА ЎҚИШГА КИРАЙ?», «КИМ БЎЛАЙ?», «ҲАЁТДА ЎЗ ИСТЕЪДОДИМНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТОПАЙ?» ДЕГАН ҚАТОР МУҲИМ САВОЛЛАР ТУРИБДИ.

СИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА БОРИБ БУ САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ ТОПА ОЛАСИЗ.

ЎЗИНГИЗГА ЕҚҚАН КАСБНИ ТАНЛАНГ!

14-ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРАДИ:

токарь, механика-йиғув ишлари слесари, счёт ҳисоблаш машиналари ремонти ва уларга техника хизмати курсатиш бўйича электр механик, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, электр пайвандчи, фрезерчи, электр монтажчи, ОТК контролёри, дурадгор, автокара ҳайдай оладиган автослесарь.

ЎҚИШГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, иш ва кучалик кийим-бошлари билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг бир қисмини оладилар (айрим мутахассисликлар бўйича стипендия ҳам тўланади).

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртини тугатган ўқувчиларга ўрта маълумот ҳақидаги диплом берилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ —1 ЙИЛ ВА 3 ПИЛ.

Адрес: Тошкент шаҳар, Куйбишев район, Гёте кўчаси, 54-уй (21, 16, 89-автобуслар: «Касб касалликлари институти» бекати). Телефон: 32-23-91.

9-ТОШКЕНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИГА 14—15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ, 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрланади:

РАДИО ДЕТАЛЛАРИНИ ЙИҒУВЧИ, РАДИО ДЕТАЛЛАР КОНТРОЛЁРЛАРИ (қизлар), УНИВЕРСАЛ ТОКАРЬ, ФРЕЗЕРЧИ, БИЛЛУРНИ СИЛЛИҚЛОВЧИ (қизлар, йигитлар), АСБОБСОЗ-СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТР МОНТАЖЧИ, ТЕХНОЛОГИЯ АСБОБ-ЎСКУНАЛАРИНИ СОЗЛОВЧИ СЛЕСАРЬ, АСБОБСОЗ.

Ўқиш муддати— 1 йилдан 3 йилгача.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Бир йиллик муддат билан ўқийдиганларга ойига 30 сўм стипендия туланади. 3 йил ўқийдиганлар уч маҳал бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ ДАВРИДА ЎҚУВЧИЛАРГА ИШ ҲАҚИНИНГ 33 ПРОЦЕНТИ ТЎЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 160-уй —(2, 6, 7, 12, 14-троллейбусларнинг «Халқлар дустлиги» метро станцияси», 69-автобуснинг «Пахтакор стадиони» бекатлари). Телефон 44-29-64.

171-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича кадрлар тайёрлайди: ҚУРУВЧИ-БУЕҚЧИ, ГУЛ СОЛУВЧИ-БУЕҚЧИ, ПАРКЕТЧИ-ДУРАДГОР, СУВОҚЧИ, ҚУРУВЧИ-ДУРАДГОР, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, ЁРИТГИЧ, КУЧЛАНИШ ЭЛЕКТР АСБОБ-ЎСКУНАЛАРИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТР МОНТАЖЧИ, МОНТАЖЧИ-ГИШТ ТЕРУВЧИ, БЕЗАКЧИ-ПЛИТАЧИ.

Ўқиш муддати —1 йил ва 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 15—17 ЕШДАГИ, 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини 3 йиллик муддат билан тугатганлар ўрта маълумот ҳақида аттестат оладилар.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида эса иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Бошқа жойлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР —1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ —СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА.

Адрес: Тошкент-81, Домбробод кўчаси, 74-уй (54, 50, 70, 79, 34, 84, 103, 80-автобусларнинг «16-поликлиника» бекати). Телефон: 77-49-53.

124-ТОШКЕНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

секретарь-машинистка, секретарь стенографистка, чизмачи-конструктор, ЭВМ оператори, ЭҲМ программисти, ЭВМ механиги. ўқиш муддати— 1 йил.

ЎҚИШГА ТОШКЕНТДА ЯШОВЧИ, 17 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатгач, ўқувчилар министрликлар, идоралар ва давлат органлари, илмий муассасалар ва ташкилотлар, ҳисоблаш марказлари ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, шаҳар маданий-оқартув муассасаларига ишга юборилади-лар.

Ўқиш рус тилида олиб борилади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ: **секретарь-машинисткалар ва секретарь-стенографисткалар учун —рус тилидан диктант; қолган мутахассисликлар бўйича —суҳбат.**

МАШҒУЛОТЛАР—1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Киров райони, Хуршид кўчаси, 45-уй (10«э», 44, 56, 88-автобусларнинг «Семашко» шифохонаси» бекати). Телефон 35-52-12.

5-ТОШКЕНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти Тошкентда яшовчи ўрта маълумотли йигит ва қизлардан қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди: ЭРКАКЛАР ЎСТКИ КИЙИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛОВЧИ ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА, АЕЛЛАР ВА БОЛАЛАР ЕНГИЛ КИЙИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛОВЧИ ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА, ЧАРМ-ГАЛАНТЕРЕЯ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТИКУВЧИ.

Ўқиш муддати —1 йил.

Стипендия —ойига 30 сўм.

Ишлаб чиқариш даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процента тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртини тугатгач, ўқувчилар Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари ва чарм-галантерея фабрикасига ишга юборилади-лар.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри—100, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй (4, 7, 8, 9, 11, 14, 24-трамвайлар; 2, 3, 18, 45, 50, 54-автобуслар, 2, 6, 13, 14, 15, 16-троллейбусларнинг «Театральний» бекати). Телефон: 53-36-45.

196—ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти қуйидаги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлайди: ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛИ АСБОБЛАРНИ ЙИҒУВЧИ, ТОКАРЬ асбобсоз-слесарь; (8 синф ҳажмида маълумотлилар учун); асбоб-интеграл микросхемаларни йиғувчи асбобсоз, (10 синф ҳажмида маълумотлилар учун),

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Весна кўчаси (2, 10-трамвайлар, 106-автобуснинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон: 91-39-89.

МИРЗА АҲМЕДОВ НОМИДАГИ 4-ШАҲАР АЛОҚА ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИ ЎЗБЕК ВА РУС ГРУППАЛАРИДА 8-СИНФ БАЗАСИДА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

кабелчи-қалайловчи, кабелчи алоқа монтажчиси, қишлоқ телефон алоқаси ва радиоэшитириш монтёри, автомат телефон станцияси станцион асбоб-ускуналари монтёри, қишлоқ телефон алоқаси станцион асбоб-ускуналари монтёри, телеграф алоқаси станцион асбоб-ускуналари монтёри, радио оператор (об-ҳаво хизмати), **шаҳар телефон тармоқлари** (ГТС) **монтёри.**

10-СИНФ БАЗАСИДА: **телеграфчи, шаҳарлараро телефон станцияларининг телефонистка-си.**

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАЧ, ЎҚУВЧИЛАР ЎРТА МАЪЛУМОТ ВА МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА ДИПЛОМ ОЛАДИЛАР.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ЯРИМ ЕШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга қабул қилинган ёшлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚУВЧИЛАР ДАВЛАТ ТАЪМИНОТИДА БЎЛАДИЛАР.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 7-уй. Телефонлар: 33-07-85, 33-07-77.

22-ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

касб билан айни бир вақтда тугалланган ўрта маълумот олинадиган группаларга қуйидаги ихтисосликлар бўйича ўқувчилар қабул қилади: ҚУРУВЧИ-ДУРАДГОР, ҚУРУВЧИ-БУЕҚЧИ, БЕЗАКЧИ-ПЛИТАЧИ, МОЗАИКАЧИ.

Ўқиш муддати —3 йил.

ЎҚИШГА 8 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 1 йил оулган группаларга қуйидаги ихтисосликлар бўйича ўқувчилар қабул қилинади: ДУРАДГОР, ПАРКЕТЧИ, БЕЗАКЧИ, КОНВЕЙЕР ЛИНИЯЛАРИДА АСБОБ-ЎСКУНАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ПУЛЬТИНИНГ ОПЕРАТОРИ. 10-синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқувчилик кийимлари билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар меҳнат ҳақининг 50 процента ҳажмида пул мукофоти оладилар.

1 йил муддат билан ўқийдиган ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия оладилар.

Билим юрти адреси: Ленин райони, Астрахань кўчаси, 12-уй (5-трамвай, 22-автобуснинг «Кўк бозор» бекати). Телефон: 91-26-47.

176-ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти қуйидаги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлайди. ЭЛЕКТРИК, САНОАТ АСБОБ-ЎСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА МЕХАНИК-СЛЕСАРЬ, ОТК КОНТРОЛЁРИ (фақат қизлар). **Ўқиш муддати —3 йил.**

УНИВЕРСАЛ ФРЕЗЕРЧИ, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ, ЭЛЕКТР КЎПРИКЛИ КРАНЛАРНИНГ МАШИНИСТИ, УНИВЕРСАЛ ТОКАРЬ. **Ўқиш муддати —1—3 йил;**

ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, ПРЕССЛАШ УСКУНАЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРЛАРИ, СИЛЛИҚЛОВЧИЛАР, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ МАЛАКАСИДАГИ СИНОВЧИ-ТРАКТОРЧИ, ТЕМИРЧИ, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, ДУРАДГОР. **Ўқиш муддати —1 йил.**

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал бепул иссиқ овқат, кийим-бош, иш кийими билан таъминланадилар, зарурат туғилганларга секция типидаги ётоқхонадан жой берилади.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикасидаги иш ҳақининг бир қисми тўланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри —177, 1-Ташавтомаш массиви (1, 16, 24, 73-автобусларнинг «Трактор заводи» бекати). Телефон 69-80-41.

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚОМИССИЯСИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШЛАРИ ЗАРУР: танланган ихтисос кўрсатилиб, директор номига ёзилган ариза, ўрта мактабни тугатганлиги тўғрисидаги ҳужжат (гувоҳнома ёки аттестат), медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 3 та фотосурат, корхона ёки ташкилот йўлланмаси (ўқишга бирон корхонадан юборилганлар учун).

Кирувчилар паспорт, ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (чақириқ ёшидагилар учун) **ёки ҳарбий билет** (запасдаги ҳарбийлар)**ни шахсан кўрсатадилар ва бу ҳақда кирувчиларнинг шахсий делосида тегишли ёзув қайд қилинади.**

АРИЗА ТОПШИРГАН ШАХСЛАР ТАНЛАГАН ИХТИСОС БЎЙИЧА ИШЛАШГА СОҒЛИҒИ ЯРОҚЛИЛИГИ ВА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ АНИҚЛАШ МАҚСАДИДА МЕДИЦИНА КЎРИГИДАН ЎТАДИЛАР.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

26 ИЮНЬ—ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

19.30 Р. Шуман «Карнавал». Халқаро конкурс лауреати П. Егоров ижро этади (фортепьяно). Ленинграддан олиб кўрсатилади. 20.00 Останкино концерт студиясида Н. Доризо поэзияси кечаси. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Арарат» — «Динамо» (Киев). 2-тайм. Ереванда олиб кўрсатилади. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» (Москва)—«Кубань». 2-тайм. «Локомотив» стадионидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ялтироқ қурт». Болалар учун мультфильм. 18.30 «Турмуш ва маданият». 19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Қайрат» (Олмаота). «Пахтакор». Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида— «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 20.50 «Ахборот» информацион программаси. 21.10 «Совет қўшиқлари антологияси». Фильм-концерт. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.00 «Озуқа ишлаб чиқариш резервлари». 22.15 Ойбек. «Қутлуғ қон». Кўп серияли телевизион видеофильм. 4-қисм. 23.15 «Шахсий вариант». Телефильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Кругозор». Ю. Фучик Тошкентда бўлганлигининг 50 йиллигига (рус.). 20.55 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Биз —ишчи бўламиз». 21.25 Абитуриентлар учун. Физика. 22.25 Ф. Рабле. «Гаргантюа ва Пантагрюэль». Бадиий ўқиш (рус.).

27 ИЮНЬ— ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

9.00 Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Заҳор садолари». Концерт. 10.50 «Қувноқ стартлар. 11.35 «Мўъжизасиз — мўъжизалар».12.35 С. Рахманинов. Икки фортепьянода ижро этиш учун 2-сюита. «Кўрсатув тугагач (12.55) —Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари. Кинопрограмма. 15.55 «Б. Васильев. Асарлари саҳифаларида». 16.45 «Подмосковье учрашувлари». 17.15 Москва комсомоли мукофотининг лауреати автомобилсозлар Маданият уйи «Школьние годи» болалар халқ хореографик ансамблининг концерти. 18.00 «Шахмат мактаби». Кўрсатувда жаҳон чемпиони А. Карпов иштирок этади. 18.30 «Ўрмончилар ва ёғоч кесувчилар». 19.00 «Расмларда қўёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театри балет артистларининг концерти. 20.00 СССР Олий Совети депутатлари ҳикоя қиладилар. 20.15 «Потёмкин» броненосецида матрослар қўзғолони бошланганлигининг 75 йиллигига, «Броненосец «Потёмкин». Бадиий фильм. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Эрмитаж». «Англия санъати». 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 «Кинопанорама».

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Майда ўтин». Болалар учун қўғирчоқ фильм. 2-серия. 12.00 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви (такрорий). 12.30 Енгил атлетика. Ю. А. Гагарин хотираси совғини учун мусобақалар. «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. (ёзиб олинган). 13.00 Абитуриентлар учун. Биология. 13.30 «Бронза қуш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия (рус.).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Кун бўйи телевизор кўрган бойқушча» Мультфильм. 18.10 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Комсомол зарбдор қурилишларида». 18.40 «Инсон болаликдан бошланади» (рус). 19.10 «1980 йил планини 7 ноябрга бажарамиз». Тошкент Абразив комбинати. 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус). 19.45 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Узбекистон ССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Узбекистон телевиденияси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Оламда нима гап?». Халқаро воқеалар шарҳи. 22.35 Ойбек. «Қутлуғ қон». Кўп серияли телевизион видеофильм. 5-қисм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Езги отпускалар даври». (рус.). 20.35 Абитуриентлар учун. Математика. 21.55 «Ёш келин-куёвлар ҳақида қисса». Телеспектакль (рус.).

Узбекистон ССР Маданият министрлигининг «Ўзкультстрой» ремонт-қурилиш бошқармаси коллективи бошқарма бошлиғи Ў. У. Умаровга онаси

Зура АЗИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистона и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—00398. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Б—2102.